ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 160 (1759), 2026 йил 8 август, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news


## ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**7 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Суҳбат аввалида Ўзбекистон раҳбари Дональд Трампни АҚШ мустақиллигининг 250 йиллиги билан яна бир бор табриклади.

Президент Трамп, ўз навбатида, Ўзбекистон — Америка муносабатлари мисли кўрилмаган даражага етганини ҳамда икки мамлакат етакчилари ўртасида ишончга асосланган яқин мулоқот ўрнатилганини таъкидлади.

Олий даражада эришилган барча келишувларнинг изчил амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилиб, стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча йўналишларини қамраб олган икки томонлама мулоқот ва алмашинувларнинг жадал суръатига юқори баҳо берилди.

Уч йиллик иқтисодий ҳамкорлик дастури изчил амалга оширилмоқда. Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ҳудудлари ва Америка штатлари ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. АҚШ фуқаролари учун визасиз тартиб жорий этилгани ишбилармонлик алоқаларининг фаоллашувига хизмат қилмоқда.

Фуқаро авиацияси, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, инфратузилма, энергетика, металлургия, сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинар экан, глобал хавфсизликни таъминлаш, халқаро ва минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Етакчилар бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

Суҳбат якунида Президент Шавкат Мирзиёев Президент Дональд Трампга ўзи учун қулай вақтда расмий ташриф билан мамлакатимизга келишни таклиф қилди.

**ЎзА**

## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЭКОТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда сунъий интеллект экотизимини ривожлантириш бўйича эришилган натижалар ва истиқболдаги устувор вазифалар юзасидан тақдимот билан танишди.**

Сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон сунъий интеллектга тайёрлик бўйича халқаро рейтингда 25 поғона юқорилаб, 62-ўринга кўтарилди. 2030 йилга қадар юртимизни мазкур рейтингда дунёдаги энг илғор 50 та давлат қаторига киритиш мақсад қилинган.

Шунингдек, сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулот ва хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард долларга етказиш, инфратузилмани кенгайтириш ҳамда 200 дан ортиқ янги лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги технологиялар шиддат билан ўзгараётганини таъкидлаб, жаҳон ва минтақадаги тенденцияларни мунтазам таҳлил қилиш, илғор ишланмаларни тезкор ўзлаштириш ва янги ташаббусларни илгари суриш зарурлигини қайд этди.

Аввало, тақдимотда замонавий ҳисоблаш инфратузилмасини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган ойда “Рақамли ҳукумат” дата-марказида АҚШнинг NVIDIA технологиялари асосидаги суперкомпьютер ишга туширилди. У қуввати бўйича жаҳон рейтингида 321-ўринни эгаллади. Бир ой ичида кластер юкламасининг 90 фоизга етгани мамлакатимизда ҳисоблаш қувватларига талаб юқори эканини кўрсатмоқда.

Бугунги кунга қадар 24 миллион долларлик замонавий ҳисоблаш инфратузилмаси ишга туширилди. Мавжуд кластерни кенгайтириш учун яна 70 миллион доллар йўналтириш таклиф қилинди. Қўшимча маблағлар манбалари, зарур ускуналарни олиб келиш муддатлари ҳамда Қорақалпоғистонда хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дата-марказлар лойиҳалари бўйича ахборот берилди.

Сунъий интеллект ечимларининг самарадорлиги сифатли маълумотлар базасига бевосита боғлиқлиги таъкидланди. Шу боис, вазирлик ва идоралардаги мавжуд маълумотларни хатловдан ўтказиш, уларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, соҳалар кесимида сифатли маълумотлар тўпламларини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Жорий йилнинг ўзида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда сунъий интеллект асосида амалга ошириладиган лойиҳалар сонини 100 тадан ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Тиббиёт, энергетика, транспорт, божхона, ҳуқуқий хизматлар, жамоат хавфсизлиги, экология ва геология йўналишларида ишлаб чиқилаётган ечимлар тақдим қилинди.

Бу борада IT-Park резидентлари, стартаплар ва 20 дан ортиқ сунъий интеллект лабораториялари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди. Жорий йилда ушбу йўналишда фаолият юритаётган резидентлар сонини 300 тага, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 2 триллион сўмга, экспортни эса 160 миллион долларга етказиш кутилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунга қадар 1,5 миллиондан ортиқ фойдаланувчи сунъий интеллект бўйича махсус сертификат олди. Шунингдек, 900 нафар раҳбар, 3 мингдан зиёд давлат хизматчиси, 1 минг нафар банк ходими ва 200 нафар маслаҳатчи махсус курсларда ўқитилди.

Келгуси икки йилда “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасини тўлиқ амалга ошириш, ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар ва кенг аҳоли қатламлари учун замонавий ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Нукус, Самарқанд, Термиз, Бухоро, Фарғона, Андижон, Гулистон ва Жиззах шаҳарларида соҳавий хакатон ва танловлар ўтказилди. “Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” танловига старт берилди. Бундай хакатонларни барча ҳудудларда ташкил этиш топширилди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг сунъий интеллект бўйича маслаҳатчилари фаолияти ҳам муҳокама қилинди. 500 нафар номзод орасидан 222 нафар маслаҳатчи саралаб олинган. Ушбу лавозимларга хорижда таълим олган ва замонавий технологияларни пухта эгаллаган ёш мутахассисларни кенг жалб қилиш, уларнинг ишини аниқ натижа ва самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш зарурлиги таъкидланди.

Маслаҳатчилар фаолияти, амалга ошираётган лойиҳалари ва ташаббусларини мониторинг қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашга мўлжалланган алоҳида рақамли платформани ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Тақдимотда сунъий интеллект соҳасидаги халқаро ҳамкорлик истиқболлари ҳам кўриб чиқилди. Маълумки, Ўзбекистон яқинда WAICO — Сунъий интеллект соҳасида ҳамкорлик бўйича Бутунжаҳон ташкилотига таъсисчи давлатлардан бири сифатида аъзо бўлди.

Энди мазкур ташкилотда иштирок этиш орқали илғор технологиялар, катта тил моделлари ва рақамли трансформация ечимларини мамлакатимизда жорий этиш, хорижий технологик компаниялар ва илмий муассасалар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича янги ташаббусларни илгари суриш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз мутасаддиларга ҳисоблаш қувватларини изчил ошириш, соҳаларда амалий лойиҳаларни кўпайтириш, сифатли маълумотлар базасини яратиш, иқтидорли ёшлар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

**ЎзА**

## СОҲА ФИДОЙИЛАРИ ЎЗ КАСБИ ВА МЕҲНАТИДАН ФАХР ТУЯДИ

**Қад ростлаётган ҳар бир иншоот, обод этилаётган ҳар бир маскан йиллар ўтиб, халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланади. Шу маънода, кенг кўламли қурилиш ишлари янги бинолар барпо этиш билан чекланмай, инсонлар ҳаёти сифатини юксалтириш, ҳудудларни ривожлантириш ва юртимизнинг замонавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Янги хонадонлар оилаларга қувонч, обод масканлар аҳолига муносиб турмуш шароити бағишласа, йирик лойиҳалар мамлакатимиз келажаги учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиляпти.**

*Давоми 2-бетда*



## ЎЗБЕКИСТОН ҚУРУВЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли қурувчилар, меъмор ва усталар, муҳандис ва лойиҳачилар, машинист ва механиклар, муҳтарам соҳа фахрийлари!

Сиз, азизларни қутлуғ касб байрамингиз — Қурилиш соҳаси ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга самимий ва эзгу тилакларимни билдираман.

Бугунги кунда қурилиш соҳаси Янги Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини белгилайдиган ғоят муҳим тармоққа айланиб бораётганини ушбу қувончли айёмда алоҳида эътироф этишимиз табиий, албатта. Чунки мамлакатимизда барпо этилаётган, сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, билим ва маҳоратингиз мужассами бўлган обод шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллалар, янги уй-жойлар, йирик стратегик объектлар, замонавий корхоналар, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни қурилиш соҳаси иштирокисиз тасаввур этолмаймиз.

Кейинги йилларда соҳани тубдан ислоҳ қилиш, уни иқтисодиётнинг драйверларидан бирига айлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, замонавий шаҳарсозлик ва рақамли бошқарув тамойилларини кенг жорий этиш бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз ижобий натижалар бермоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, сўнгги 9 йилда юртимизда 210 миллион квадрат метрдан зиёд бино ва иншоотлар, жумладан, 647 мингта, ўтган йилнинг ўзида эса 135 мингта квартирага эга бўлган уй-жойлар барпо этилганини таъкидлаш лозим. Жорий йилда яна 140 мингта янги квартира фойдаланишга топширилади. 2040 йилгача мамлакатимизда қуриладиган уй-жойлар сонини йилига 280 мингтага етказиш, “Янги Ўзбекистон” массивларини 61 тадан 120 тага кўпайтиришни режа қилганмиз.

Бу йил Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва Бурҳониддин Марғиноний туризм маркази каби ноёб маданий-маърифий иншоотларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини якунига етказишда фидокор қурувчиларимизнинг ҳиссаси беқиёс бўлди.

Пойтахтимиздаги Янги Тошкент, Тошкент вилоятидаги Нурафшон, Андижон вилоятидаги Бобур, Самарқанддаги Ширин, Хоразмдаги Ал Хоразмий шаҳарлари каби мегалойиҳалар мутлақо янги муҳандислик ечимлари, “яшил” қурилиш тамойиллари билан мамлакатимизнинг бунёдкорлик тарихида ёрқин саҳифа очмоқда.

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги кунда 3 миллион 500 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган қурилиш, қурилиш материаллари саноати ва уларга ёндош соҳаларда ғоят муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Кейинги пайтда қурилишга рухсат бериш босқичлари 3 баробар, муддатлари эса 4 карра қисқартирилди. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими асосида 24 та замонавий электрон платформа ишга туширилиб, асосий бошқарув жараёнлари рақамлаштирилди. Барча назорат жараёнлари рақамли форматга ўтказилди.

Давлат харидлари тизимида электрон тендер платформаси йўлга қўйилгани ҳам шаффофликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Тармоқда сунъий интеллект технологиялари фаол жорий этилмоқда.

Буларнинг барчаси соҳада инсон омилини қисқартириш, коррупция билан боғлиқ хавф-хатарларни бартараф этиш ва қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигини оширишга хизмат қилаётгани билан эътиборлидир.

Бугунги кунда барча соҳалар қатори қурилиш борасидаги фаолиятни ривожлантириш, қурилиш ишлари сифатини ошириш бўйича ҳам олдимизда улкан вазифалар турибди. Уларни амалга оширишда ўз ҳаётини эл-юртимизни обод ва фаровон қилишдек эзгу ишга бағишлаб келаётган соҳа ходимларининг билим ва тажрибаси, касб маҳоратини ошириш, уларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш бундан буён ҳам диққат-эътиборимиз марказида бўлади.

Сизлар ўз бурчингизни чуқур англаган ҳолда, халқимиз учун хавфсиз, қулай ва фаровон ҳаёт муҳитини яратишга қаратилган шарафли фаолиятингизни ҳамиша юксак сифат ва масъулият билан адо этасизлар деб ишонаман.

Барчангизни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, ишларингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз бунёдкорлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ” КАСБИЙ МАҲОРАТ МИЛЛИЙ ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Мамлакатимизда Президент соврини учун илк бор ўтказилган **“Янги Ўзбекистон бунёдкорлари”** касбий маҳорат миллий танловида эришган ютуқларингиз билан барчангизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ватанимизнинг бугунги шиддатли тараққиёти, ҳаётимизга кириб келаётган рақамли иқтисодиёт, замонавий корхоналар ўз ишининг устаси бўлган, рақобатбардош касб эгаларини тайёрлаш ва рағбатлантиришни талаб этмоқда.

Биз ана шу ўткир заруратни ҳисобга олиб ҳамда азалдан илм ва ҳунар эгаларини эъзозлаб келадиган халқимизнинг эзгу анъаналарини ривожлантириш мақсадида мазкур миллий танловни ташкил этдик.

Касб-ҳунар сирларини чуқур эгаллаган, пухта билим ва юқори кўникмага эга, ўз соҳасида янгилик ярата оладиган сизлар каби навқирон ёшларимизнинг бугунги эришган натижалари бу қароримиз нақадар тўғри бўлганини яна бир бор тасдиқламоқда.

Дарҳақиқат, уч босқичда ўтган ушбу нуфузли танловда минглаб ёшларимиз катта қизиқиш ва иштиёқ билан фаол иштирок этди. Айниқса, танловнинг дастлабки — туман ва шаҳар босқичида 124 минг нафардан зиёд ўғил-қизларимиз ўз истеъдод ва қобилиятларини намоён этганлари барчамизни қувонтиради. Кейинги — ҳудудий босқичда қатнашган қарийб 7 минг нафар иштирокчининг 3 минг 500 нафари ўзини ўзи банд қилган маҳалла ёшлари экани эътиборлидир.

Яна бир муҳим жиҳати — мазкур танлов кўплаб мактаб битирувчиларининг шахсий ҳаётида янги саҳифа очгани, яъни 22 минг нафар йигит-қиз учун ишлаш, таълим олиш ёки меҳнат бозорида ўз ўрнини топиш имконияти пайдо бўлганини таъкидлаш лозим. Хусусан, маҳаллий корхона ва ташкилотлар томонидан бўш иш ўринлари тақдимоти ўтказилиб, зарур касбий билим ва маҳоратга эга бўлса-да, ҳозирча иш тополмай юрган қарийб 8 минг 900 нафар қатнашчига ишлаш учун йўлланмалар берилди. Таълим олиш истагини билдирган 4 минг 470 нафар иштирокчи техникумларда ўқиш учун тавсия этилди. Чет элларда ишлашни режалаштираётган салкам 8 минг 340 нафар ёшлар хорижий иш берувчилар томонидан ўтказиладиган танловларга йўналтирилди.

Танлов якунига кўра, ўнта касб йўналишида энг юқори натижага эришган 120 нафар иштирокчи ғолиб ва совриндор деб топилди. Бугунги маросимда танловнинг махсус мукофотлари билан тақдирланаётган ана шу ёшларимизни чин дилдан табриклайман.

Фурсатдан фойдаланиб, уларга мустаҳкам таянч бўлиб турган меҳрибон ва талабчан устозлар, ота-оналарга, ишлаб чиқариш таълими усталари, амалий машғулот раҳбарлари ва экспертларга самимий миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, танловни юқори савияда ташкил этишга ҳисса қўшган вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, маҳаллалар, иш берувчи корхоналар, ҳомий ва ҳамкор ташкилотларга ҳам алоҳида ташаккур айтаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Бугун олдимизда янада масъулиятли вазифа турибди. Танлов ғолиблари ва юқори натижа кўрсатган иштирокчилар орасидан Ўзбекистон терма жамоасини шакллантириб, уларнинг касб-ҳунар бўйича “WorldSkills International” халқаро танловида муносиб иштирок этиши учун тайёргарликни ҳозирдан бошлашимиз керак. Шу мақсадда энг кучли маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этамиз, жамоани замонавий ускуналар, ўқув-машқ базаси билан таъминлаб, барча зарур шароитларни яратиб берамиз.

Сизлар дунёдаги энг кучли тенгдошларингиз билан муносиб равишда беллашиб, мана шундай нуфузли касбий маҳорат мусобақасида юртимиз байроғини баланд кўтаришингизга тилакдошман.

Бу йўлда сизларга юртимиз тарихидаги гўзал ва бетакрор цивилизация намуналарини яратган, ажойиб амалий санъат асарлари билан дунёни ҳайратга солиб келаётган қўлигул уста ва меъморларимиз, моҳир ҳунармандларимизнинг бой мероси, ҳозирги кунда уларнинг анъаналарини давом эттириб, замон талаблари асосида янги босқичга кўтараётган касб эгаларининг маҳорат мактаблари албатта куч ва илҳом беради.

**Мен бутун Ўзбекистон ёшларига мурожаат қилиб айтмоқчиман: халқимизнинг сизларга бўлган юксак ишончини оқлаш учун доимо изланинг, янги билим ва технологияларни эгалланг, хорижий тилларни ўрганинг ва касбингиз бўйича энг илғор мутахассис бўлиб етишинг!**

Зеро, ёшликда олинган таълим ва малака бамисоли тошга ўйилган нақш, келажакдаги улкан ютуқлар пойдеворидир.

Сизлар ўз меҳнатингиз, билим ва кўникмаларингиз билан нафақат оилангиз ва жамоангиз, балки жонажон мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшасиз, Янги Ўзбекистонни бунёд этадиган олтин авлод бўлиб, унинг шуҳратини дунёга тараннум этасиз деб ишонаман.

Юксак ғалаба барчангизга муборак бўлсин, азиз фарзандларим!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**2016 йилда қурилиш ишлари ҳажми 30 триллион сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 314 триллион сўмга етди. Қурилиш тармоғи иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва қатор соҳалар ривожига хизмат қилаётган стратегик йўналиш сифатида мустаҳкамланмоқда.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 8 август, 160-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news




# СОҲА ФИДОЙИЛАРИ ЎЗ КАСБИ ВА МЕҲНАТИДАН ФАХР ТУЯДИ



**Шерзод ҲИДОЯТОВ, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири**

**Бошланиши 1-бетда**

Ўзгаришлар кўламини, аввало, аниқ рақамлар намоён этади. Сўнгги 9 йилда мамлакатимизда 210 миллион квадрат метрдан ортиқ бино ва иншоотлар барпо этилди. 647 минг хонадонли 15 мингдан ортиқ кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Уй-жой қурилиши аҳоли эҳтиёжлари ва истиқболли режалар асосида изчил давом этмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 135 мингта хонадонга эга уй-жойлар барпо этилди. Жорий йилда яна 140 мингта янги хонадон фойдаланишга топширилади. 2040 йилга қадар йиллик уй-жой қурилиши ҳажмини 280 мингта хонадонга етказиш, "Янги Ўзбекистон" массивлари сонини 61 тадан 120 тага кўпайтириш вазифаси белгиланган.

2016 йилда қурилиш ишлари ҳажми 30 триллион сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 314 триллион сўмга етди. Қурилиш тармоғи иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва қатор соҳалар ривожига хизмат қилаётган стратегик йўналиш сифатида мустаҳкамланмоқда.

Эришилаётган натижалар фақат барпо этилаётган бинолар ёки иншоотлар билан чекланмайди. Улар минглаб оилаларнинг даромади, фаровонлиги ва барқарор турмушига ҳам хизмат қилмоқда. Бугун қурилиш ва унга туташ тармоқларда 3,5 миллиондан ортиқ юртдошимиз меҳнат қилаётгани бунинг яққол исботидир.

Сўнгги йиллардаги ислоҳотлар қурилиш тармоғини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Қурилишга рухсат бериш жараёнлари 3 баробар, муддатлар 4 баробар қисқартирилди. Натижада тадбиркорлар ва инвесторлар учун қулай муҳит шаклланиб, янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кенгайди.

Соҳада рақамлаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида жорий этилган электрон платформалар жараёнлар очиқлиги ва самарадорлигини оширмоқда. Электрон тендерлар, рақамли назорат ва замонавий бошқарув механизмлари соҳада шаффофлик, адолатли рақобат ва тежамкорлик тамойилларини мустаҳкамламоқда.

Бугунги бунёдкорлик ишлари юртимизнинг иқтисодий салоҳияти билан бир қаторда маънавий ва шаҳарсозлик қиёфасини ҳам юксалтирмоқда. Жорий йилда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва Бурҳониддин Марғиноний илмий-маърифий ва туризм марказида амалга оширилган қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари ана шу эзгу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин намунаси бўлди.

Янги шаҳарлар қуриш мамлакатимиз шаҳарсозлик сиёсатида мутлақо янги босқични бошлаб берди. Янги Тошкент, Нурафшон, Бобур, Экошаҳар, Ширин, Ал Хоразмий каби йирик бунёдкорлик масканлари замонавий муҳандислик ечимлари, "яшил" қурилиш тамойиллари ва инсон учун қулай ҳаёт муҳитини таъминлашга қаратилган ёндашув асосида барпо этилмоқда. Бу шаҳарлар келгуси ўн йилликлар тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Хоразм вилоятида 130,5 гектар майдонда бунёд этилаётган Ал Хоразмий шаҳрида 8 минг ўринли АТ университет, технопарк, инновация марказлари ҳамда 5,7 мингдан ортиқ хонадонли замонавий турар жойлар қад ростламоқда. Ушбу шаҳар илм-фан, инновация ва юқори технологияларни ўзида мужассам этган янги ривожланиш нуқтасига айланиши кутилмоқда.

Андижонда 4 минг гектар майдонни эгаллаган Бобур шаҳри 411 минг аҳоли учун мўлжалланган. Бу ерда 40 минг хонадонли 2 мингта кўп қаватли уй-жой барпо этилади. Ҳозирга қадар 3940 хонадон ва 40 дан ортиқ савдо ҳамда сервис маскани фойдаланишга топширилди, шаҳарда 25 мингдан зиёд аҳоли яшамоқда. Бобурийлар меросига бағишланган тематик боғ барпо этилаётгани эса миллий тарих ва замонавий шаҳарсозлик уйғунлигининг яна бир ифодасидир.

Самарқанддаги Ширин шаҳри, Нурафшондаги янги шаҳарча, Қўқон ва Марғилондаги турар жой массивлари, Қамашида ташкил этилаётган янги масканлар ҳам ҳудудларни мутаносиб ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар изчил давом этаётганини кўрсатмоқда.

Энг муҳими, бу шаҳарлар фақат турар жойлар билан чекланмайди. Улар билан бирга замонавий мактаблар, боғчалар, шифохоналар, олий таълим муассасалари, илмий марказлар, хизмат кўрсатиш масканлари, боғлар ва дам олиш ҳудудлари ҳам барпо этилмоқда. Ана шундай ёндашув ҳудудларнинг барқарор ривожланиши, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини таъминлаш ва замонавий шаҳарсозлик қиёфасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёнида қурувчи ва соҳа мутахассисларининг меҳнати алоҳида ўрин тутади. Улар ўз касбига садоқат билан ёндашиб, юртимиз қиёфасини ўзгартираётган, халқимиз учун қулай шароитлар яратаётган бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ана шу шарафли меҳнат йўлидан бораётган қурувчиларимиз ўз касбидан фахр туйиб, юрт равнақига хизмат қилаётганини юксак масъулият деб билади.

# ПРОФЕССИОНАЛ, МУВОФИҚЛАШТИРИЛГАН ВА НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЯХЛИТ ТИЗИМ

## Инсон қадри учун

**Бу йил халқимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини юксак ғурур ва ифтихор билан қарши олмоқда.**
**Ўтган ўттиз беш йил давомида мамлакатимиз мураккаб ва шарафли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Айниқса, сўнгги йиллардаги кенг кўламли ислоҳотлар мустақиллик ғояларини янги мазмун билан бойитди. "Инсон қадри учун" деган эзгу тамойил давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалий мезонга айланди.**



**Мавлудахон ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари**

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат экани мустаҳкамлангани мамлакат тараққиётидаги тарихий бурилиш бўлди. Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар қарийб уч баробар кўпайгани ҳам ислоҳотларнинг аниқ сиёсий-ҳуқуқий йўналишини кўрсатади.

Конституциямизда пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланди. Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани белгиланди. Давлатнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ва иш билан таъминланишига кўмаклашиш мажбурияти конституциявий кафолат даражасига кўтарилди.

Бу нормалар халқимизнинг референдум орқали билдирган иродаси, давлат ва жамият ўртасидаги янги ижтимоий келишув ифодасидир. Энди ижтимоий сиёсат соҳасидаги ҳар бир қарор, бюджет маблағларининг ҳар бир сўми, ҳар бир давлат дастури инсоннинг муносиб ҳаёти ва реал эҳтиёжи нуқтаи назаридан баҳоланаётир.

Сўнгги йилларда ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан икки баравар ошгани, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови беш баробар кўпайгани, ногиронлиги бўлган болалар парвариши билан банд шахслар учун янги нафақа турлари жорий этилгани ана шу сиёсатнинг амалий натижаларидир.

Айниқса, Президентимизнинг тегишли фармони билан қабул қилинган "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури камбағалликни қисқартириш ишларини янги босқичга олиб чиқди.

Дастур доирасида оилаларни барқарор даромад манбаи билан таъминлаш, бандликни ошириш, касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий хизматларни манзилли ташкил этишга қаратилган чоралар натижасида 2025 йилда камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 5,8 фоизга, ишсизлик даражаси эса 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Бу рақамлар иқтисодий ўсиш натижаларини аҳоли фаровонлигига айлантиришга қаратилган сиёсатнинг амалий самарасини яққол кўрсатади.

Камбағаллик масаласи очиқ тан олиниши ва уни қисқартириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши янги Ўзбекистонга хос сиёсий жасорат намунасидир. Муаммони яшириш эмас, балки унинг аниқ сабабларини ўрганиш, ҳар бир оиланинг имконият ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб индивидуал ечим белгилаш, одамларни касб-ҳунар, доимий иш ўрни, тадбиркорлик ва даромад манбаи билан таъминлаш устувор вазифага айланди. "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурининг мазмун-моҳияти ҳам аҳолини фақат нафақа ва бир марталик ёрдамлар билан қўллаб-қувватлаш эмас, балки оилаларнинг иқтисодий мустақиллиги ва барқарор даромадини таъминлашдан иборат.

Ислоҳотлар асносида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида тарқоқ ва бир-бирини такрорловчи механизмлар ўрнига ягона бошқарув тизими шакллантирилди. Президент ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши соҳада давлат сиёсатини мувофиқлаштириш, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш ва масъулиятни аниқ белгилашга хизмат қилди.

Агентлик зиммасига ногиронлиги бўлган шахслар, вояга етмаган болалар, хотин-қизлар, оғир ҳаётий вазиятга тушган оилалар, ёшлар, ёлғиз кексалар билан ишлаш ҳамда ижтимоий таъминот дастурларини юритиш каби ўзаро боғлиқ йўналишлар юклатилди. Бу ижтимоий ҳимояга идора манфаати эмас, инсоннинг ягона ҳаётий ҳолати нуқтаи назаридан ёндашиш имконини берди.

Туман ва шаҳарларда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари, маҳаллаларда ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилиши хизматларни одамларга яқинлаштирди. Эндиликда эҳтиёжманд фуқаро турли идоралар эшигини тақиллатиб юриши шарт эмас, унинг ҳолати маҳаллада ўрганилиб, индивидуал режа асосида зарур хизмат ва ёрдамлар ташкил этилиши йўлга қўйилди. Бу "давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак" тамойилининг ижтимоий соҳадаги аниқ ифодасидир.

Ижтимоий ҳимоянинг янги модели фақат моддий ёрдам билан чекланмайди. У профилактика, реабилитация, касбга ўқитиш, бандликка кўмаклашиш, психологик ва ҳуқуқий ёрдам, парвариш, ижтимоий мослашув ва жамиятга интеграция каби хизматларни қамраб олади. Бундай ёндашув ёрдамга муҳтож инсоннинг муаммосини вақтинча енгиллатиш эмас, уни оғир ҳаётий вазиятдан барқарор олиб чиқишга қаратилган.

2030 йилгача аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси қабул қилиниши соҳани узоқ муддатли мақсадлар асосида ривожлантиришга замин яратди. Айни пайтда ислоҳотларнинг янги босқичида аниқ ва ўлчанадиган вазифалар белгиланмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил 5 февралдаги "2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан йил якунига қадар камбағаллик даражасини 2,8 фоизгача, ишсизлик даражасини 4,5 фоизгача пасайтириш, 1 миллион аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш, 4 миллион аҳоли, шу жумладан, 263 мингта камбағал оилани даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш вазифалари белгиланди. Ушбу мақсадлар ижтимоий сиёсатни умумий кўмак чораларидан ҳар бир оила учун барқарор натижа яратишга, давлат органлари фаолиятини эса аниқ кўрсаткичлар ва шахсий масъулият асосида баҳолашга ўтказмоқда.

Ижтимоий давлат тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши, аввало, унинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворига боғлиқ. Сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш, кексалар ва эҳтиёжманд аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш, пенсия таъминоти, бандлик, ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам соҳаларида қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилиниши миллий қонунчилик ва амалиётни халқаро стандартларга уйғунлаштиришда муҳим қадам бўлди.

2024-2026 йилларда қабул қилинган қонунлар ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, фуқароларга пенсия ва ижтимоий ёрдам тайинлаш тартибларини соддалаштириш, идоралараро маълумот алмашинувини кенгайтириш, ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида ташкил этиш ҳамда ижтимоий ҳимоянинг янги институционал тузилмасини қонунчиликка мослаштиришга хизмат қилди.

"Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. У ижтимоий ҳимояни фақат бюджетдан бериладиган ёрдамлар билан чекламасдан, меҳнат фаолияти, суғурта бадаллари ва ижтимоий хавфларни бошқаришга асосланган барқарор тизимни шакллантиришга қаратилган. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, ишсизлик каби суғурта ҳолатларида фуқароларни қўллаб-қувватлашнинг ягона ҳуқуқий механизмлари белгиланиши меҳнаткаш инсон манфаатларини ҳимоя қилишда янги босқични бошлаб беради.

Шунингдек, жорий йил 23 июлда қабул қилинган "Ижтимоий иш тўғрисида"ги қонун мамлакатимизда инсонга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий қадам бўлди.

Ушбу қонун билан ижтимоий иш алоҳида касбий фаолият соҳаси сифатида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб, ижтимоий иш, ижтимоий хизмат, ижтимоий ёрдам, ижтимоий ходим ва оғир ижтимоий вазият каби асосий тушунчаларнинг аниқ мазмуни белгилаб берилди. Қонунийлик, инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ижтимоий мутаносиблик, профессионаллик ҳамда тизимлилик соҳанинг асосий принциплари сифатида белгиланди.

Шу билан бирга, тиббиёт, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда идоралараро ҳамкорликнинг ягона механизмлари белгиланиши ижтимоий ҳимояни профессионал, мувофиқлаштирилган ва натижага йўналтирилган яхлит тизимга айлантиришга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси бу жараёнда ислоҳотларнинг халқ ҳаётидаги натижадорлигини таъминловчи муҳим сиёсий институтга айланди. Депутатлар ижтимоий соҳада қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиши, парламент назорати механизмларидан самарали фойдаланиши, фуқаролар мурожаатлари ва ҳудудлардаги реал муаммолар асосида қонунчиликни мунтазам такомиллаштириб бориши шарт.

Бунда бюджет маблағларининг манзилли ва самарали сарфланиши, ижтимоий хизматлар сифати, реестрлардаги маълумотларнинг холислиги, фуқароларнинг қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи, ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит, кексалар ва болаларни ҳимоя қилиш масалалари парламент эътибори марказида бўлиши керак. Чунки ижтимоий давлатнинг кучи қабул қилинган ҳужжатлар сони билан эмас, балки инсон ҳаётидаги ижобий ўзгариш билан ўлчанади.

Олдимизда ҳали катта вазифалар бор. Ижтимоий хизматларнинг ягона стандартларини жорий этиш, профессионал ижтимоий ходимлар тайёрлаш, давлат, маҳалла ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириш, бандлик ва ижтимоий ҳимоя чораларини ўзаро боғлаш, рақамли қарорларнинг шаффофлиги ва инсон назоратини таъминлаш шулар жумласидан. Биз ижтимоий ҳимояни фуқаронинг қарамлигини оширадиган эмас, унинг қобилияти, ташаббуси ва ижтимоий фаоллигини тиклайдиган тизимга айлантиришимиз лозим.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида ишонч билан айтиш мумкинки, янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш ва ижтимоий адолатни қарор топтириш давлат сиёсатининг ортга қайтмас йўлига айланди. Бу йўлнинг муваффақияти ҳар бир раҳбар, ҳар бир депутат, ҳар бир давлат хизматчисидан юксак масъулият, халқ дарди билан яшаш ва аниқ натижа учун ишлашни талаб этади.

Зеро, кучли давлат, аввало, ўз фуқаросини ҳимоя қила оладиган, унинг салоҳиятини рўёбга чиқариши учун тенг имконият яратадиган ва ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмайдиган давлатдир. Истиқлолимизнинг энг улуғ неъмати ҳам ана шунда — инсон эркин, қадрли ва фаровон яшайдиган адолатли жамият барпо этиш имкониятида.

## Хушхабар

# ЯНА БИР ШАРАФЛИ МЕЗБОНЛИК

## Халқаро информатика олимпиадаси илк бор Ўзбекистонда ўтказилмоқда

**Жорий йил мамлакатимиз илм-фани тарихига нуфузли олимпиадалар бўлиб ўтган давр сифатида муҳрланадиган бўлди. Бир ой аввал 58-халқаро кимё олимпиадасига мезбонлик қилган бўлсак, 9-16 август кунлари 38-халқаро информатика олимпиадасига эшик очамиз. Илк бор Ўзбекистонда ўтадиган мазкур олимпиадага 2015 йилдан қатнаша бошлаганимизни назарда тутсак, қисқа фурсатда мезбонлик ҳуқуқини олганимиз қувонарли.**

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Кейинги йилларда таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган шиддатли ислоҳотлар самараси ўлароқ, биз халқаро тадбирлар иштирокчисигина эмас, фаол ташкилотчисига айланиб боряпмиз. Академик салоҳиятимиз сезиларли ўсаётганида эса давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 30 сентябрдаги "Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуруламал бўлмоқда.

Халқаро информатика олимпиадаси мактаб ўқувчилари ўртасидаги энг нуфузли спорт дастурлаш мусобақаларидан бири ҳисобланади. Унда иштирокчилар мураккаб алгоритмик масалаларни ечиш, тез ва мантиқий фикрлаш бўйича беллашадилар. 2025 йилга қадар мазкур олимпиадаларда миллий терма жамоамиз жами битта кумуш ва тўртта бронза медални қўлга киритган.

Масъуллар юртимизда ўтажак мусобақа медаллар салмоғини янада оширишига умид қилар экан, олимпиада тарихида иштирокчилар сони рекорд даражага етганини ҳам маълум қилмоқда. Чунончи, 100 га яқин давлатдан қарийб 400 ўқувчи беллашадиган йирик тадбир делегациялар, халқаро қўмита вакиллари, меҳмонлар ва кузатувчилар билан 900 дан зиёд иштирокчини жамлаши кутиляпти.





— Бу биз учун жуда катта шараф ҳам масъулият. Зеро, мезбонлик борасида қатор ривожланган мамлакатлар, хусусан, Европа ва Америка давлатлари биз билан беллашган, — деди рақамли технологиялар вазири ўринбосари Рустам Каримжонов. — Хўш, бу Ўзбекистонга нима беради? Биринчи навбатда, халқаро ҳамжамиятдаги нуфузимиз ортади. Тасаввур қилинг, 97 та давлат ўз вакилларини "Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган халқаро информатика олимпиадасига юборяпмиз", деб айтади. Ривожланган давлатларда қайта-қайта ватанимиз номи янграйди, уни миллионлаб одамлар эшитади. Бироқ биз учун энг муҳими — халқаро майдонларга интилиш ёшларимиз орасида умуммиллий ҳаракатга айланиши. Эртамиз эгалари, айниқса, келажак касблари бўлган дастурлаш соҳасида кўпроқ ўқисин, АТни кенг ўргансин. Илм-фандаги салоҳиятимиз ҳам жаҳоний довруқ таратса, қандай яхши!

Бутун дунёнинг нигоҳи бизда экан, давлатимиз раҳбари ишонч билдираётганидек, аввало, илмий салоҳиятимизни кўрсата олишимиз керак. Зеро, мезбонлик бизга катта устунлик ҳам беради. Битта эмас, иккита терма жамоа билан қатнашиш ҳуқуқига эгамиз. Қолаверса, буюк аллома Муҳаммад ал-Хоразмий юртининг халқаро информатика олимпиадасига мезбонлик қилиши ҳам тарихий ва рамзий аҳамиятга эга. Демак, ёшларимизда алломага муносиб ворислик ҳисси устувор бўлмоғи керак. Бунинг учун уларга барча шароитлар яратиб берилган.

Миллий терма жамоамизни тайёрлаш ишлари ўтган йилнинг ноябридан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилди. Ҳудудлардан саралаган 100 ўқувчи орасидан 2 та миллий терма жамоага 4 нафардан, жами 8 аъзо танлаб олинди. Маҳаллий устозлардан ташқари Қозоғистон, Польша ва Руминиядан халқаро экспертлар жалб қилиниб, 10 га яқин ўқув-машғулот йиғини ташкил этилди. Бу гал ўқувчиларнинг техник тайёргарлиги билан бирга психологик тайёргарлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Терма жамоа сардори Суннатилла Ҳожиевнинг айтишича, вакилларимиз йирик олимпиадаларда биринчи бор қатнашаётгани йўқ. Уларнинг ҳаммаси яхши натижаларга муносиб. Қолаверса, ўқувчиларимиз тажрибали маҳаллий ва хорижлик мураббийлар раҳбарлигида мураккаб алгоритмик масалаларни ечиш, кодни оптималлаштириш ҳамда мусобақа муҳитида вақтни тўғри тақсимлаш кўникмаларини интенсив равишда мустаҳкамлади. Ўқув-машғулот йиғинлари уларнинг мантиқий фикрлашини чархлаб, ўқувчи ёшларни халқаро даражадаги ҳар қандай мураккаб беллашувга тўлиқ тайёрлагани кўнглимизни тўлдирди.

Олимпиадани ташкил этишда хавфсизлик, транспорт, меҳмонларни кутиб олиш ва жойлаштириш, овқатлантириш, техник инфратузилма ҳамда маданий дастурларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 10 август куни пойтахтимизда тантанали очиладиган мусобақанинг асосий жараёнлари 11-13 август кунлари бўлиб ўтади. 12-14 август кунлари тарихий-маданий мерос ва туристик объектларга саёҳатлар ташкил қилинади. Саккиз кун давомида Тошкент шаҳри ёш дастурчилар, мураббийлар ва халқаро экспертларнинг мулоқот майдонига айланади.

15 август куни эса мусобақанинг асосий ғолиблари ва натижалари эълон қилинади. Умид қиламизки, 38-халқаро информатика олимпиадаси Ўзбекистоннинг технологик ва таълим салоҳиятини халқаро майдонда яна бир карра муносиб намойиш этади. Ёшларни дастурлаш, математика ва STEM йўналишларига қизиқтириш, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

**Муножат МЎМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири**









# ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК – иқтисодий ривожланиш ва соғлом ҳаёт асоси



**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси**

**Мустақиллик халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги қатъий иродаси, миллий юксалиш сари бошланган буюк тараққиёт йўлидир. Бугунги кунда барча ҳудудларда Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллиги кенг нишонланмоқда. “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” эзгу ғояси остида ўтаётган ушбу қутлуғ байрам нафақат босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиш, балки янги Ўзбекистоннинг эртанги тараққиёти учун янада юксак марраларни белгилаб олиш имкониятини ҳам беради.**

Бугун экологик хавфсизлик масаласига табиатни муҳофаза қилишнинг тор доирасидагина эмас, балки инсон саломатлиги, аҳоли фаровонлиги, иқтисодий ўсиш, инвестициявий жозибадорлик ва мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини таъминлайдиган муҳим стратегик йўналиш сифатида қаралмоқда. Энг муҳими, янги Ўзбекистондаги барча ислоҳотлар марказида инсон қадри турибди. Чунки инсон учун муносиб ҳаётни соғлом ва мусаффо атроф-муҳитсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, сўнгги йилларда экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ҳамда келажак авлод учун соғлом табиатни асраб қолиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Янгиланган Конституциямизда ҳар бир инсоннинг қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилгани, давлат зиммасига эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш, Оролбўйи экологик тизимини сақлаш бўйича конституциявий мажбурият юклатилгани бу борадаги сиёсатнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади. Бежиз 2025 йил мамлакатимизда Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинмади. Мазкур қарор тараққиётимизнинг экологик йўналиши изчил ва узоқ муддатли стратегияга айланганининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Бугунги ислоҳотларнинг барчаси ягона мақсадга — инсон учун янада қулай ҳаёт муҳитини яратиш, табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ҳамда келажак авлодларга экологик барқарор мамлакатни мерос қилиб қолдиришга қаратилганини кўрамиз. Бу эса Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим мезонларидан бири сифатида экологик барқарорлик ғояси тобора мустаҳкам қарор топаётганини яққол тасдиқлайди.

Юртимиздаги ҳар бир ислоҳот, энг аввало, мустаҳкам ҳуқуқий асосларга таянади. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам айнан шу тамойил ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, соҳада амалга оширилган институционал ўзгаришлар экологик сиёсатни мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Энди экологик хавфсизликка фақат давлат идоралари вазифаси эмас, балки бутун жамият тараққиётининг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда.

Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида кейинги ўн йилда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида **25 га яқин яхлит қонун** қабул қилинганини қайд этиш ўринли. Уларнинг аксарияти янги. Жумладан, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги, “Экологик аудит тўғрисида”ги, “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги, “Органик маҳсулотлар тўғрисида”ги, “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги, “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги қонунлар соҳанинг ҳуқуқий негизини замон талаблари асосида мустаҳкамлади.

Айниқса, 2025 йил экология соҳаси учун том маънода ҳуқуқий янгиланишлар йили бўлди. Экологик экспертиза ва стратегик экологик баҳолаш тизими такомиллаштирилиши, Орхус конвенциясига қўшилиш, иссиқхона газлари чиқарилишини чеклаш бўйича ҳуқуқий механизмлар жорий этилиши ҳамда мамлакатимиз тарихида илк бор Сув кодексининг янги таҳрирда қабул қилиниши соҳанинг мутлақо янги ривожланиш босқичига ўтганидан далолат беради.

Қонун устуворлигини таъминлаш масаласи фақат ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш билан чекланмайди. Энг муҳими, уларнинг амалда тўлиқ ва самарали ижросини таъминлашдир. Шу мақсадда экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилди, назорат механизмлари янада такомиллаштирилди.

Институционал ислоҳотлар ўз мазмун-моҳияти билан алоҳида аҳамиятга эга. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ташкил этилиши, Давлат экологик назорат инспекцияси — **экополиция** фаолияти йўлга қўйилиши, экологик жамғармаларнинг молиявий имкониятлари кенгайтирилиши экологик бошқарув самарадорлигини тубдан оширишга хизмат қилмоқда.

Бугун давлатнинг экологик сиёсати фақат назорат қилиш билан чекланмайди. Унинг асосий мақсади табиатни муҳофаза қилиш маданиятини қарор топтириш, қонунларга ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш ва ҳар бир фуқарони атроф-муҳит учун масъул этиб тарбиялашдан иборат.

Экологик сиёсатнинг яна бир муҳим хусусияти рақамли технологиялар кенг жорий этилаётганидир. Атмосфера ҳавоси, сув ресурслари, чиқиндилар, биологик хилма-хиллик ҳолати бўйича мониторинг тизимларининг электрон платформаларга ўтказилиши, геоахборот технологиялари ва сунъий йўлдош маълумотларидан кенг фойдаланиш бошқарув сифатини мутлақо янги даражага олиб чиқмоқда. Энг муҳими, рақамлаштириш очиқлик ва шаффофликни таъминламоқда. Экологик маълумотлардан эркин фойдаланиш имконияти кенгайиб, жамоатчилик назорати кучаймоқда. Бу эса давлат ва жамият ўртасидаги ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида экологик дипломатия алоҳида стратегик йўналишга айланди. Бугун юртимиз нафақат миллий экологик муаммоларни ҳал этаётган давлат, балки минтақавий ва глобал экологик хавфсизлик кун тартибини шакллантиришда фаол иштирок этаётган ташаббускор мамлакат сифатида ҳам халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда.

Кейинги йилларда экологик ҳамкорлик соҳасида эришилган натижалар бу фикрнинг амалий тасдиғидир. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги **16 та халқаро конвенцияга** қўшилди. Уларнинг энг сўнггиси сифатида **2025 йил 11 мартда Орхус конвенцияси** ратификация қилинди. Бу қадам мамлакатимизда экологик ахборотнинг очиқлиги, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва экологик адолатни таъминлаш борасидаги ислоҳотларни янада мустаҳкамлади.

Мазкур халқаро мажбуриятлар иқтисодий тараққиёт учун ҳам янги имкониятлар яратмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқининг **“GSP+”** имтиёзли савдо тизими доирасидаги **11 та экологик ва ижтимоий конвенция** талаблари бажарилиши Ўзбекистонга **6000 дан ортиқ турдаги маҳсулотни Европа бозорларига божсиз экспорт қилиш имкониятини** бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ минбаридан илгари сураётган ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани ҳам Ўзбекистон нуфузи юксалаётганидан далолат. Ўзбекистон ташаббуси билан **БМТ Бош Ассамблеясида кўплаб резолюцияларнинг бир овоздан қабул қилиниши** мамлакатимиз дипломатиясининг муҳим ютуғи бўлди.

Бу резолюцияларнинг аксарияти **экология ва барқарор ривожланишга бағишланган.** Улар орасида Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги, “Марказий Осиё глобал экологик таҳдидлар қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш”, “Барқарор ўрмон хўжалиги асосида ўрмонзорлаштириш ва ўрмон тиклаш бўйича ҳаракатлар декадаси” резолюциялари алоҳида аҳамиятга эга.

Кейинги икки йилда Самарқанд шаҳри экологик дипломатиянинг халқаро мулоқот майдонига айланди. **2025 йил апрель ойида Самарқанд иқлим форуми,** июнь ойида эса **7500 дан ортиқ иштирокчини жамлаган биринчи “ECO EXPO Central Asia” халқаро экологик технологиялар кўргазмаси** муваффақиятли ўтказилди. ЮНЕСКОнинг 2025 йил октябрь-ноябрь ойларида ўтказилган **43-Бош конференцияси** мамлакатимизга юксак баҳо бериб, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига миннатдорлик билдирувчи махсус резолюцияни қабул қилди. Ноябрь-декабрь ойларида эса CITES конвенцияси томонлари конференциясининг **20-сессияси** ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Самарқанднинг халқаро экологик марказ сифатидаги нуфузи **2026 йил 30 май — 6 июнь** кунлари янада мустаҳкамланди. Ана шу кунларда бу ерда **Глобал экологик фонднинг (GEF) 8-ассамблеяси,** GEF кенгаши йиғилиши ва **“ECO EXPO Central Asia”нинг иккинчи сессияси** бир вақтнинг ўзида ўтказилди.

**186 давлат вакиллари иштирок этган мазкур нуфузли тадбир якунида умумий қиймати 520 миллион доллардан ортиқ “яшил” лойиҳалар бўйича келишувларга эришилди.** Жумладан, Ўзбекистон сув ва ер ресурсларини бошқариш дастури учун **қарийб 80 миллион доллар миқдорида грант маблағлари** жалб қилинди. Энг муҳими, мамлакатимиз Глобал экологик фондга донор давлат сифатида қўшилишга тайёрлигини билдирди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро экологик молиялаштириш тизимида фақат ёрдам олувчи эмас, балки экологик тараққиётга ҳисса қўшувчи давлат сифатидаги мақомини намоён этди.

Оролбўйини ривожлантириш борасидаги ёндашув мутлақо янги мазмун касб этди. Агар аввалги йилларда асосий эътибор экологик фожиа оқибатларини юмшатишга қаратилган бўлса, бугунги кунда мазкур ҳудуд барқарор тараққиёт, “яшил иқтисодиёт”, экотуризм ва инновацион ривожланишнинг янги модели сифатида шаклланмоқда.

Амалий натижалар ҳам салмоқли. **2018 йил декабрдан буён Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида 2,1 миллион гектардан ортиқ майдонда “яшил қопламалар” барпо этилди. Биргина 2025 йилда Қорақалпоғистонда 115 минг гектар, Бухоро вилоятида 58,1 минг гектар, Навоийда 61,6 минг гектар ва Хоразмда 15 минг гектар** ўрмонзор яратилди.

Бу рақамлар экологик сиёсатимиз фақат миллий манфаатларга эмас, балки бутун минтақа барқарорлиги ва глобал экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилганини яққол намоён этади.

Мамлакатимизда бугун экологик сиёсатни иқтисодий тараққиётдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли учун соғлом ҳаёт муҳитини яратиш вазифалари иқтисодий ривожланиш стратегияси билан уйғунлаштирилмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Бу борада қабул қилинган стратегик ҳужжатлар мамлакатимизда энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, ресурс тежовчи технологияларни оммалаштириш ва углерод чиқиндиларини қисқартириш бўйича мутлақо янги босқични бошлаб берди.

Энергетика соҳасидаги ишлар қисқа вақтда аниқ амалий натижаларини кўрсатмоқда. Бугунги кунда қуёш ва шамол энергетикаси энергетика тизимимизнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда.

2026 йил май ойи ҳолатига кўра, юртимизда умумий қуввати 3930 мегаватт бўлган 15 та қуёш ва 1652 мегаватт бўлган 5 та шамол электр станцияси ишга туширилиб, жами қайта тикланувчи қувват 5,6 гигаваттдан ошди. 2025 йилнинг ўзидагина электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 86,7 миллиард киловатт-соатга етиб, 6 фоиз кўпайди, шундан қайта тикланувчи манбалар ҳиссаси 16,8 миллиард киловатт-соатни (29 фоиз ўсиш) ташкил этди. Қуёш ва шамол станциялари ишлаб чиқарган энергия бир йилда 2,1 баравар ошиб, 10,5 миллиард киловатт-соатга етди. Бу эса 3,2 миллиард куб метр табиий газни тежаш ва атмосферага 4,7 миллион тонна зарарли чиқинди чиқишининг олдини олиш имконини берди. 2030 йилга қадар “яшил” энергия улушини 54 фоизга, энергия сақлаш тизимлари қувватини эса 4,5 гигаваттга етказиш режалаштирилган.

Декарбонизация йўналишида Ўзбекистон Париж битими доирасидаги миллий ҳиссасини янгилаб, аввалги 35 фоизли мажбурият ўрнига 2035 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигида иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 50 фоиз қисқартириш каби янада кучлироқ мақсадни белгилади.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишда саноат ва чиқиндиларни бошқариш соҳаси муҳим ўрин эгалламоқда. Бугунги кунда юртимизда ҳар йили ҳосил бўладиган маиший чиқиндилар ҳажмини қисқартириш, уларни қайта ишлаш даражасини ошириш ҳамда иккиламчи ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Чиқиндиларни бошқариш соҳасида айланма иқтисодиёт тамойиллари изчил қарор топмоқда. Президентимизнинг 2025 йил 24 мартдаги фармони билан 2030 йилга қадар мавжуд полигонларни 50 фоиз қисқартириш, шунингдек, “ифлослантирувчи тўлайди” тамойили асосида ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчиларнинг кенгайтирилган масъулияти тизимини жорий этиш белгиланди. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида хусусий шериклар 2025 йилнинг ўзида 386,5 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятларини бажарди.

Экологик ислоҳотлар муваффақиятида “яшил” молиялаштириш механизмлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик изчил кенгайиб, экологик ва иқлим лойиҳаларини молиялаштириш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Энг муҳими, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш сиёсати инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Тоза ҳаво, барқарор энергия таъминоти, экологик хавфсиз ишлаб чиқариш, чиқиндилар ҳажми қисқариши ва ресурслардан оқилона фойдаланиш — буларнинг барчаси аҳоли турмуш сифати ва келажак авлодлар фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Сув ресурсларини бошқариш ҳам ўзгарди, энди бу масала фақат қишлоқ хўжалиги ёки мелиорация соҳасининг вазифаси эмас. Иқлим ўзгариши шароитида сув хавфсизлигини таъминлаш мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги, экологик барқарорлиги ва иқтисодий тараққиётини белгилайдиган стратегик устувор йўналишга айланмоқда.

Бу борада 2025 йил 30 июлда қабул қилинган Сув кодекси мамлакат сув сиёсати тарихида мутлақо янги босқични бошлаб берди. Хусусан, унда илк бор экологик мақсадларда мажбурий сув чиқариш тушунчаси ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Энди сув ресурсларининг муайян қисми табиий экотизимлар, кўллар, дарёлар ва тўқай ўрмонларини сақлаб қолиш мақсадида ажратилиши қонун даражасида кафолатланди. Бу эса мамлакатимизда инсон манфаатлари билан бирга табиат манфаатлари ҳам ҳуқуқий муҳофаза қилинаётганининг амалий ифодасидир.

Сув танқислигининг олдини олиш ва ҳар томчи сувдан самарали фойдаланиш бўйича ишлар салмоқли натижалар бермоқда. 2025 йилда 886,6 минг гектар экин майдонида сув тежовчи технологиялар жорий этилди. 613,5 минг гектар ер лазер ускуналари ёрдамида текисланди, бу эса сув сарфини сезиларли қисқартириш имконини бермоқда.

Аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири. Зеро, инсон саломатлиги, ҳаёт сифати ва ҳудудларнинг барқарор ривожланиши, энг аввало, тоза ичимлик сув билан бевосита боғлиқ. Шу боис, сўнгги йилларда мазкур соҳага жалб этилган инвестициялар ҳажми 10 баробар ошиб, 2,7 миллиард долларга етди. Натижада 7,7 миллион аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди, 11 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланди, 39 минг километр ичимлик сув ва 3,2 минг километр оқова сув тармоқлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. 3,4 мингта ичимлик сув ва 295 та оқова сув иншооти ҳамда насос станцияси барпо этилди ёки янгиланди. Бунинг самарасида марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 2025 йил якунига келиб, 82,8 фоизга етказилди, оқова сув хизматлари қамрови эса 22,3 фоизни ташкил этди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 2030 йилга қадар марказлашган ичимлик сув таъминотини 85 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бу мақсадлар мамлакатимизда инсон саломатлиги ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган узоқ муддатли сиёсатнинг мантиқий давомидир.

Экологик ислоҳотларнинг муҳим мезони уларнинг инсон ҳаётидаги амалий самарасидир. Бугун илгари сурилаётган ҳар бир ташаббус, ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир дастур айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда.

2025 йилда мамлакатимиз бўйича 265 миллиондан ортиқ дарахт ва бута кўчати экилди. Шундан 213 миллиондан зиёди “yashilmakon.eco” электрон платформасида рақамли рўйхатга олиниб, ҳар бир дарахт учун унинг тури, ёши ва жойлашув координаталарини ўз ичига олган электрон “паспорт” шакллантирилди. Бу экологик соҳада рақамли бошқарувнинг мутлақо янги босқичга кўтарилганини англатади.

155 та шаҳарда “яшил боғ” ва “яшил жамоат парклари” ташкил этилди. Шунингдек, шаҳар ва туманларда 475 километр сояли сайр кўчалари ҳамда 378 километр соғломлаштириш йўлаклари барпо қилиниб, улар бўйлаб 545 минг туп дарахт экилди. 2026 йил апрель ойида Тошкент вилоятида илк Миллий дендрология боғига асос солингани эса кўкаламзорлаштириш сиёсати янги босқичга чиққанини кўрсатади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш борасида тарихий натижаларга эришилди. Агар ислоҳотлар бошланган даврда бу кўрсаткич мамлакат ҳудудининг 8 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, 6,4 миллион гектарга, яъни 14,3 фоизга етказилди. Ўрмон фонди ерлари ва бошқа муҳофаза шакллари билан бирга ҳисоблаганда эса ушбу кўрсаткич 22,8 фоизни ташкил этмоқда.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида замонавий рақамли мониторинг тизими шакллантирилди. Бугунги кунда 400 га яқин автоматлаштирилган мониторинг станцияси орқали ҳаво сифати узлуксиз кузатилмоқда ва барча маълумотлар “Air Monitoring Uzbekistan” ягона ахборот тизимига интеграция қилинган.

2025 йилда 172 та саноат корхонасида чанг-газ тозалаш ускуналари модернизация қилинди, 75 та корхонада эса локал оқова сувни тозалаш иншоотлари қурилди.

Экологик тоза транспортни ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Электромобиллар хариди учун 16 фоизгача имтиёзли кредитлар жорий этилди. 2026 йил 22 июлда эса Тошкент вилоятида мамлакат тарихидаги илк “яшил” автомобиль йўли — Тошкент — Самарқанд муқобил автомобиль йўли қурилишига тамал тоши қўйилди.

Бугун қабул қилинаётган ҳар бир қонун, илгари сурилаётган ҳар бир ташаббус ва амалга оширилаётган ҳар бир миллий лойиҳа ягона ва эзгу мақсадга — аҳолининг қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш, табиатни асраб-авайлаш ва келажак авлодлар учун барқарор тараққиёт пойдеворини яратишга хизмат қилмоқда.

Умуман, “яшил иқтисодиёт” ва экологик хавфсизлик давлат тараққиётининг устувор йўналишига айланди. Бу ютуқлар юртимизнинг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига содиқлигини, танланган тараққиёт йўлининг тўғрилигини яна бир бор намоён этади.

“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” эзгу ғояси бугун экология соҳасида ҳам амалий ифодасини топмоқда. Экологик барқарорликни таъминлаш йўлидаги изчил ислоҳотлар янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ва келажак фаровонлигининг мустаҳкам кафолатидир.





**Жаҳон амалиётида қайта суғурта бозори суғурта соҳасининг ажралмас қисми сифатида шаклланган бўлиб, иқтисодий хавфларни самарали бошқариш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2026 йил 8 август, 160-сон
www.yuz.uz yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news









Долзарб мавзу

# ҚАЙТА СУҒУРТАЛАШ нима учун муҳим?



**Анваржон ҒАФФОРОВ, “Ўзбекистон қайта суғурта компанияси” акциядорлик жамияти — миллий қайта суғурта ташкилоти бош директори**

**Бугун жаҳон иқтисодиётида инвестициялар учун рақобат нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки ҳуқуқий ва молиявий инфратузилманинг ривожланганлик даражаси билан ҳам белгиланмоқда. Шу нуқтаи назардан, қайта суғурта тизими мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини таъминловчи муҳим институционал механизмлардан.**

Жорий йил июнда бўлиб ўтган V Тошкент халқаро инвестиция форумида муҳокама қилинган масалалар таҳлили шуни кўрсатадики, инвесторлар қарор қабул қилишда лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги билан бир қаторда мамлакатда таваккалчиликларни бошқариш тизимининг қай даражада ривожланганига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Форум доирасида ўтказилган “Инвестицияларнинг ҳуқуқий архитектураси” мавзусидаги сессияларда таъкидланганидек, инвестицияларни жалб қилишда ҳуқуқий кафолатлар, мустақил низоларни ҳал этиш механизмлари, суғурта ва қайта суғурта институтлари ҳамда инвесторлар ишончи ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Йирик саноат, энергетика, транспорт, қурилиш ва инфратузилма лойиҳалари юқори даражадаги молиявий хавфлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарияти самарали қайта суғурта ҳимоясини талаб этади. Шу сабабли халқаро амалиётда қайта суғурта бозори ривожланганига мамлакат инвестиция муҳитини баҳолашдаги муҳим мезонларидан бири сифатида қаралади.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Swiss Re Institute таҳлилларига кўра, миллий қайта суғурта тизими иқтисодиётнинг ташқи шокларга бардошлилигини оширади, инвесторлар учун қўшимча молиявий кафолатлар яратади ҳамда мамлакатнинг халқаро рейтингларига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ортишига хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта тизими мамлакат иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмидир. Суғурта ташкилотлари турли хавфларни қабул қилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ҳамда манфаатларини муҳофаза этади. Бироқ айрим ҳолларда қабул қилинган рисклар ҳажмининг катталиги суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай вазиятларда қайта суғурта механизми муҳим аҳамият касб этади. Қайта суғурта ташкилотларига қабул қилинган хавфларнинг муайян қисмини бошқа суғурта ёки қайта суғурта компанияларига ўтказиш имконини бериб, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди ҳамда йирик зарарларни қоплаш имкониятини кенгайтиради.

Жаҳон амалиётида қайта суғурта бозори суғурта соҳасининг ажралмас қисми сифатида шаклланган бўлиб, иқтисодий хавфларни самарали бошқариш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Айниқса, глобаллашув жараёни, иқлим ўзгариши, табиий офатлар ва иқтисодий инқирозлар шароитида қайта суғурта тизимининг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда ҳам бу соҳани ривожлантиришга устувор эътибор берилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2025 йил 23 майдаги “Мамлакатимизда қайта суғурта тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида миллий қайта суғурта ташкилоти — “Ўзбекистон қайта суғурта компанияси” акциядорлик жамияти ташкил этилди. Бу мамлакат молиявий инфратузилмасини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим институционал ислоҳот сифатида баҳоланмоқда. Ушбу ислоҳот маҳаллий суғурта бозоридаги рискларнинг муайян қисмини мамлакат ичида сақлаб қолиш, қайта суғурта мукофотларининг хорижга чиқиб кетишини қисқартириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг инвестициявий салоҳиятини ошириш имконини беради.

Янги Ўзбекистонда қайта суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини таҳлил қилиш, соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, миллий қайта суғурта бозорининг иқтисодиёт тармоқларини молиявий муҳофаза қилиш ва инвестициявий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ҳамда аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш жуда муҳим.

Қайта суғурта муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлари кенг тадқиқ этилган. Олимлар суғурта ва қайта суғуртанинг назарий асослари, рискларни тақсимлаш механизмлари, қайта суғурта бозорининг институционал ривожланиши, молиявий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти ҳамда миллий иқтисодиётни ҳимоя қилишдаги ролига доир қатор тадқиқотлар ўтказган. Ушбу илмий ишлар қайта суғурта фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асосларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Хорижлик тадқиқотчилар суғурта ҳамда қайта суғурта тизимининг иқтисодий моҳиятини ўрганиб, қайта суғурта компаниялар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим воситаси эканини таъкидлайди. Уларнинг фикрича, қайта суғурта нафақат рискларни тақсимлаш, балки миллий иқтисодиётда инвестиция муҳитини яхшилаш ва капитал ҳаракатини фаоллаштиришда ҳам муҳим.

Жумладан, таниқли иқтисодчи олим Б.Берлинер ўз тадқиқотларида қайта суғурта бозорининг ривожланиши суғурта компанияларининг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш ва хавфли таваккалчиликларни бошқариш имкониятини кенгайтиришини асослаб берган. Олимнинг таъкидлашича, замонавий иқтисодиёт шароитида қайта суғурта глобал молиявий хавфсизлик тизимининг муҳим бўғинидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва қайта суғурта фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда миллий қайта суғурта бозорини мустаҳкамлаш, суғурта ташкилотларининг капиталлашув даражасини ошириш ва халқаро стандартларни жорий этиш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Янги Ўзбекистонда қайта суғурта бозорини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур соҳанинг институционал ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суғурта бозорини либераллаштириш, суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда халқаро стандартларни жорий этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши қайта суғурта фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра, миллий суғурта компаниялари томонидан қабул қилинаётган йирик рисклар ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу эса қайта суғурта хизматларига талабнинг изчил ўсишига олиб келмоқда. Айниқса, саноат, энергетика, транспорт ва қурилиш соҳаларида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари юқори даражадаги суғурта ҳимоясини талаб этмоқда. Бундай шароитда қайта суғурта компаниялари рискларни қайта тақсимлаш орқали суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, миллий қайта суғурта бозори фаолияти таҳлили соҳада айрим муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатмоқда. Хусусан, маҳаллий қайта суғурта компанияларининг капиталлашув даражаси айрим йирик ва юқори рискли суғурта объектларини мустақил равишда қайта суғурталаш учун етарли эмас. Натижада қайта суғурта мукофотларининг муайян қисми хорижий қайта суғурта компанияларига йўналтирилмоқда. Бу эса мамлакатдан валюта маблағларининг чиқиб кетишига ва миллий қайта суғурта бозорининг инвестиция салоҳияти тўлиқ рўёбга чиқмаслигига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот натижалари рақамли технологияларни жорий этиш ва рискларни баҳолашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш қайта суғурта операциялари самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканини кўрсатди. Халқаро тажриба таҳлилига кўра, рақамли платформалар ва сунъий интеллект элементларидан фойдаланувчи қайта суғурта компаниялари рискларни баҳолаш аниқлигини ошириш, қарор қабул қилиш жараёнларини тезлаштириш ҳамда операцион харажатларни сезиларли даражада қисқартиришга эришмоқда. Шу боис, миллий қайта суғурта бозорида рақамли трансформация жараёнини жадаллаштириш соҳанинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан.

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, янги Ўзбекистонда қайта суғурта бозорининг асосий кучли жиҳатлари давлат томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳамда норматив-ҳуқуқий базанинг изчил такомиллаштириб борилаётгани билан тавсифланади.

Таҳлил натижаларига кўра, қайта суғурта бозори ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар орасида қонунчилик ислоҳотлари етакчи ўринни эгаллаб, уларнинг таъсир даражаси 85 фоизни ташкил этган. Бу мамлакатдаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг соҳа тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Шунингдек, суғурта ташкилотларининг капиталлашув даражаси (78 фоиз) ва рақамлаштириш жараёни (72 фоиз) ҳам қайта суғурта бозорининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар сифатида баҳоланган. Мазкур кўрсаткичлар қайта суғурта соҳасини ривожлантиришда институционал ва ҳуқуқий ислоҳотлар билан бир қаторда молиявий салоҳиятни мустаҳкамлаш, рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда инновацион бошқарув механизмларидан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этишини тасдиқлайди.

Демак, юртимизда қайта суғурта фаолиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар соҳанинг барқарорлиги, молиявий хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилаётганини кўрсатди. Шу билан бирга, соҳада халқаро стандартларни кенг жорий этиш, қайта суғурта компанияларининг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш ва инсон капиталини ривожлантириш миллий қайта суғурта бозорининг узоқ муддатли ва барқарор ўсишини таъминловчи муҳим омиллар.

V Тошкент халқаро инвестиция форумида билдирилган фикрлар ҳам шуни тасдиқладики, XXI асрда инвестицияларни жалб қилишнинг асосий шарти ҳуқуқий кафолатлар билан бир қаторда ишончли риск-менежмент тизимининг мавжудлиги. Қайта суғурта тизими эса айнан ана шу ишончни иқтисодий жиҳатдан таъминловчи муҳим молиявий институтдир.

Умуман олганда, қайта суғурта бозорини ривожлантириш мамлакат молиявий тизимининг барқарорлигини таъминлаш, инвесторлар ишончини мустаҳкамлаш, иқтисодий хавфларни самарали бошқариш ва миллий иқтисодиётнинг узоқ муддатли тараққиётига хизмат қилувчи стратегик аҳамиятга эга вазифалардан.




**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Таҳлил

# ЭКСПОРТ – МАМЛАКАТНИНГ ДУНЁ БОЗОРИДАГИ ОВОЗИ

**Бир маҳсулотнинг хориж бозорида пайдо бўлиши ортида кўзга кўринмайдиган, аммо катта аҳамиятга эга жараёнлар мужассам. Бу жараён завод цехидаги ишчининг меҳнатидан бошланади, муҳандиснинг изланиши, тадбиркорнинг ташаббуси, фермернинг машаққати ва логистика тизимининг самарали ишлаши орқали ягона иқтисодий натижага айланади.**

Ташқи савдо кўрсаткичлари оддий статистикадан кўра кенгроқ мазмунга эга. Уларда иқтисодиётдаги ҳаракат, ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар ва инсон меҳнати орқали яратилаётган қиймат акс этади. Ҳар бир янги шартнома, ҳар бир янги бозор ва хорижга чиқарилган маҳсулот ортида тажриба, изланиш ва катта меҳнат бор.

Бугун Ўзбекистоннинг ташқи бозорлардаги имкониятлари ҳақида сўз юритганда асосий эътибор савдо ҳажмларигагина эмас, иқтисодиётда шаклланаётган янги имкониятларга ҳам қаратилади. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, маҳаллий маҳсулотларни халқаро талабларга мослаштириш жараёни кучаймоқда. Турли соҳаларда яратилаётган янги қиймат мамлакатнинг жаҳон бозорларидаги мавқеини мустаҳкамлаяпти.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги маълумотларига кўра, 2026 йил январь-июнь ойларида Ўзбекистоннинг ташқи бозорларга чиқарган маҳсулотлари ҳажми олтин экспортисиз 14,4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиш 32,2 фоизга етди ва қўшимча 3,5 миллиард долларлик натижа қайд этилди.

Бу кўрсаткичлар иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларнинг аниқ ифодасидир. Савдо ҳажмлари ўсиши ортида ишлаб чиқариш қувватлари кенгайиши, корхоналарнинг янги бозорларга чиқиши, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги ошиши каби муҳим жараёнлар турибди.

Янги буюртмалар корхоналар фаоллигини оширади, қўшимча иш ўринлари яратади, хизматлар соҳасидаги эҳтиёжларни шакллантиради. Бир йўналишдаги ўсиш бошқа тармоқларга ҳам таъсир кўрсатиб, иқтисодий ҳаракатни кучайтиради.

Экспорт натижаларининг асосий таянч нуқталаридан бири турли тармоқларда шаклланаётган янги имкониятлардир. Бугун ташқи бозорлардаги ўсиш бир йўналиш ҳисобига эмас, иқтисодиётнинг бир неча соҳасидаги фаоллик орқали таъминланмоқда.

Жумладан, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари экспорти 1,66 миллиард долларга етди. Соҳадаги 124 фоизли ўсиш мамлакатда хомашёни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш жараёнлари кучайиб бораётганини англатади. Бугун ўзбек тўқимачилиги халқаро бозорларда пахта хомашёси билан бирга тайёр кийим-кечак, мато ва замонавий маҳсулотлар орқали ҳам иштирокини кенгайтирмоқда.

Металлургия ва тоғ-кон саноати маҳсулотлари экспорти 1,3 миллиард долларни ташкил қилиб, 167 фоиз ўсди. Рақамлар саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, қайта ишлаш имкониятлари кенгаётганини кўрсатади. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни чуқур қайта ишлаш ва юқори қийматли маҳсулотга айлантириш иқтисодий самарадорликни ошираётган муҳим омиллардан бири.

Қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳам ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари кенгаймоқда. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 875 миллион долларга етгани аграр соҳада етиштириш билан бирга саралаш, сақлаш, қайта ишлаш ва халқаро талабларга мос тайёрлаш тизими ривожланаётганини кўрсатади. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг 593 миллион долларга етиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёр товар сифатида сотиш кўпайиб бораётганидан далолат беради.

Қурилиш материаллари экспорти 714 миллион долларни ташкил этиб, 157 фоиз ўсиш қайд этилди. Натижа маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот сифати ва рақобат ортиб бораётганини кўрсатади. Бугун қурилиш материаллари ички эҳтиёжларни таъминлаш билан бирга хорижий бозорларда ҳам талаб юқори бўлган йўналишлардан бирига айланмоқда.

Заргарлик буюмлари экспортидаги 285 фоизли ўсиш алоҳида эътиборга лойиқ. Кўрсаткич миллий ҳунармандлик анъаналари, замонавий ишлаб чиқариш ва юқори қийматли маҳсулот яратиш имкониятлари уйғунлашаётганини англатади. Заргарлик соҳасидаги ривожланиш иқтисодиётда маҳорат ва ижодий ёндашувга асосланган йўналишлар ҳам тобора муҳим ўрин эгаллаётганини кўрсатмоқда.



Хизматлар соҳасидаги ўсиш ташқи иқтисодий фаолликнинг муҳим қисмига айланмоқда. Хизматлар экспорти 5,7 миллиард долларга етди ва 143 фоиз ўсиш қайд этилди. Транспорт, туризм, ахборот технологиялари, молиявий хизматлар кабиларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Замонавий иқтисодиётда қиймат яратиш жараёнида билим, технология ва хизматлар тобора катта ўрин тутмоқда.

Шунингдек, ташқи бозорлар географияси кенгайиши Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқалари ривожида муҳим омиллардан бирига айланмоқда. Чунки барқарор савдо муносабатлари ишлаб чиқарилган маҳсулотни турли ҳудудлардаги истеъмолчиларга етказиб бериш, янги ҳамкорлик йўналишларини шакллантириш ва бозорлар ўртасида мувозанатли алоқалар ўрнатишни талаб қилади.



Бугун мамлакатнинг асосий савдо ҳамкорлари орасида яқин қўшни давлатлар қаторида йирик иқтисодиётлар ва Европа бозори вакиллари ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Ташқи савдо алоқалари кенгайиши маҳсулотлар учун янги йўналишлар очиб, халқаро майдондаги иштирок доирасини кенгайтиряпти.

Россия Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу йўналишдаги савдо ҳажми 2,4 миллиард долларни ташкил этиб, 116 фоиз ўсиш қайд этилди. Натижа икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик барқарор ривожланаётганини кўрсатади.

Хитой билан муносабатларда ҳам сезиларли ўсиш кузатилди. Мазкур мамлакатга маҳсулот етказиб бериш ҳажми 2,18 миллиард долларга етиб, 151 фоиз ошди. Бу Ўзбекистон ишлаб чиқарувчиларининг йирик ва рақобат кучли бўлган бозорлардаги иштирокини кенгайтириш имкониятлари ортиб бораётганини англатади.

Қўшни давлатлар билан савдо алоқалари фаоллашуви ташқи иқтисодий барқарорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Афғонистонга экспорт 961 миллион доллар, Қозоғистонга 715 миллион доллар, Қирғизистонга 453 миллион долларни ташкил этди. Айниқса, Қирғизистон йўналишидаги 170 фоиз, Афғонистон билан савдодаги 160 фоиз ўсиш минтақавий ҳамкорлик кучайиб бораётганидан далолат беради.

Европа бозори билан алоқалар кенгайиши Франция билан савдо кўрсаткичларида ҳам намоён бўлмоқда. Францияга маҳсулот етказиб бериш ҳажми 707 миллион долларга етди ва 156 фоиз ўсиш кузатилди. Туркия билан савдо ҳажми эса 516 миллион долларни ташкил қилди.

Умуман олганда, асосий савдо ҳамкорлари таркиби Ўзбекистоннинг ташқи бозорларда кенг қамровли ёндашув шакллантираётганидан дарак. Турли минтақалар билан алоқалар ривожи ишлаб чиқарувчилар учун янги имкониятлар очиб, миллий маҳсулотларнинг халқаро рақобат муҳитидаги иштирокини кучайтирмоқда.

2026 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, Ўзбекистон маҳсулотлари етказиб берилаётган давлат ва ҳудудлар сони 7 тага кўпайиб, 211 тага етди. Мазкур натижа маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорлар шаклланаётгани ва миллий маҳсулотларга қизиқиш кенгаяётганидан далолат.

Янги бозорларга чиқиш корхоналар учун янги талаблар, тажриба ва рақобат муҳитини яратади. Бу жараён ишлаб чиқарувчиларни маҳсулот сифатини ошириш, турларини кенгайтириш ва халқаро стандартларга мослашишга ундайди.

Савдо йўналишлари кўпайиши ташқи иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Турли бозорлар билан ҳамкорлик қилиш бир томонлама боғлиқликни камайтиради, корхоналар имкониятларини кенгайтиради ва мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимидаги иштирокини мустаҳкамлайди.

211 та давлат ва ҳудудга чиқиш имконияти ортида янги бозорларга интилаётган тадбиркорлар, халқаро талабларга мослашаётган корхоналар ва иқтисодиётнинг очиқлик даражаси мужассам.

Ҳар бир натижа ортида муайян меҳнат ва изланиш бор. Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнидан тортиб, маҳсулотни жаҳон бозорига етказиб беришгача бўлган йўлда кўплаб соҳа ва инсонлар иштирок этади. Шу сабабли ташқи савдодаги ўсиш иқтисодий кўрсаткичлар билан бирга тадбиркорлик фаоллиги ва янги имкониятлар кенгайишини ҳам ифода этади.

Ўзбекистон ташқи савдоси таркибида саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва қайта ишлаш соҳалари улуши ортиб бораётгани иқтисодиётда янги мувозанат шаклланаётганини кўрсатмоқда. Янги бозорларни ўзлаштириш, ҳамкорлар доирасини кенгайтириш ва юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги натижалар кўрсатадики, ташқи бозорлардаги фаоллик иқтисодиётнинг турли тармоқларини ягона мақсад атрофида бирлаштириб, мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар яратмоқда.

**Сардор ТОЛЛИБОЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

# АДОЛАТ, ХОЛИСЛИК, РОСТЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ҚОНУН ТАФСИЛОТИ



**Шариф ҚОБИЛОВ,**
**ИИВ Академияси профессори, истеъфодаги полковник**

**2017 йил 3 январда фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига ишончини мустаҳкамлаш, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилингани ўта аҳамиятли воқеа бўлди.**

Бунга қадар барча соҳа, жумладан, бюджет соҳасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш ва профилактика чораларига оид кўплаб масалалар эътибордан четда қолган эди. Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Жумладан, давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратилиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган тизим шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил 5 март куни коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишда 55 та аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусни илгари сурди. Бу Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг янги векторларини белгилаб берди. Коррупцияга қарши курашишда парламент, миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли оширилишига оид вазифалар белгиланди.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги қатъий саъй-ҳаракатлар натижасида кейинги тўққиз йилда ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми 2,5 карра ошиб, 2025 йили 145 миллиард долларга, экспорт қиймати 43 миллиард долларга етди. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида 2026 йил якуни билан ялпи ички маҳсулот ҳажмини 167 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган давридаги иқтисодий ўсиш суръати эса бу кўрсаткични йил якунига қадар 180 миллиард долларга етказиш имконини бермоқда. 2030 йилга бориб эса 240 миллиард долларга етиши марра қилиб олинган. Бу 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баравар ошириш ва "даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар" қаторига кириш дегани.

## "Фавқулодда ҳолат" йилининг аҳамияти

2026 йил Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш бўйича "фавқулодда ҳолат" йили деб эълон қилинишига Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидаги қатъий позицияси асос бўлди. Жумладан, давлатимиз раҳбари **"Коррупция — давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса ислоҳотларимизга хиёнатдир!**

**Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда "фавқулодда ҳолат" эълон қиламиз",** деди.

"Фавқулодда ҳолат" эълон қилинишининг асосий сабаби — коррупциянинг давлат тараққиётига тўсиқ бўлаётгани, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқараётгани ҳамда жамиятда ишонч муҳитини заифлаштираётган энг жиддий таҳдид эканидир. Бу — жамият хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлатнинг конституциявий тузумини сақлаб қолиш ҳамда иқтисодий ва молиявий хавфсизликни таъминлаш мақсадида тизимли чоралар кўриладиган ўта муҳим сиёсий ва ҳуқуқий жараён.

Мамлакат қонунчилиги ва давлат сиёсати доирасида ушбу тушунча ҳам ҳуқуқий, ҳам рамзий-ижтимоий маънода давлат ва жамият учун стратегик аҳамиятга эга. Зеро, коррупция ва адолатсизликка қарши эълон қилинган фавқулодда чоралар жамиятда давлат идоралари ва суд тизимига ишонч муҳитини тиклашга хизмат қилмоқда.

Ушбу сиёсий қадам соҳада фақат жазо чоралари билан чекланмай, бу иллатнинг олдини олишда мутлақо янги институционал механизмларни ишга солди.

"Фавқулодда ҳолат" деганда фақат жазо ёки текширувлар кўпайишини тушуниш хато. Агар қарорлар очиқ бўлса, жараёнлар рақамлаштирилса, назорат жамоатчилик иштирокида амалга оширилса, порахўрликка эҳтиёж ҳам, имконият ҳам кескин қисқаради. Коррупцияга қарши курашиш масаласи, энг аввало, онг, виждон ва эътиқоддаги барқарорлик масаласидир. Бу фикр коррупцияга қарши курашнинг энг муҳим ва энг чуқур жиҳатини — унинг маънавий-маърифий асосини ифодалайди. Қонунлар, жазо чоралари ва назорат тизимлари муҳим, аммо инсоннинг ички дунёси ўзгармаса, коррупцияни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик ва идоралар раҳбарларининг шахсий масъулияти ҳамда жавобгарлиги оширилди. Масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларга нисбатан чоралар кескин тус олмоқда.

Айни йўналишда ишлаётган мутахассислар сони дунёда миллиондан ошиб кетган ва уларнинг фаолияти давлат бюджетига жуда қимматга тушаётган бир пайтда коррупция ўсишда давом этмоқда. Бу эса "коррупция — енгилмас, унга қарши курашиш бефойда" деган дунёқараш ва нигилистик муносабат шаклланишига олиб келмоқда. Шундай вазиятда энг тўғри йўл, назаримизда, коррупцияга қарши курашиш стратегияси ва тактикасини қайта кўриб чиқишдир. Мамлакатимизда шу мақсадда "фавқулодда ҳолат" эълон қилинди. Бунда коррупцияга қарши кураш муваффақиятли кечиши учун амалдорлар дунёқарашидаги иллатларни маънавий-ахлоқий фазилатлар билан алмаштириш зарурлиги назарда тутилди.

Мансабдор дунёқарашининг асосини адолат, ҳалоллик, эзгулик, яратувчанлик, меҳр-оқибат, хуллас, одамийлик мулки ташкил этмас экан, коррупция енгилмайди. Демак, унга оддий ҳол деб эмас, балки жиноят деб қараш маданиятини шакллантириш зарур.

Энг олий ҳакам — виждон. Ташқи назорат (камералар, текширувлар) бўлмаган жойда ҳам инсонни ноқонуний ишдан фақат виждони тўхтатиб қолади. Коррупцияга қарши курашишда маънавий масъулият зарур. Шахс ўз оиласи, халқи ва Ватани олдидаги масъулиятини ҳис этса, ҳаром бойликдан ҳазар қилади. Ҳалол яшаш ва меҳнат қилиш ички эҳтиёжга айланиши керак. Моддий манфаатлар ёки қийинчиликлар қаршисида инсон ўз принципларини сотмаслиги — эътиқод белгиси. Шу сабабли коррупцияга қарши кураш фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг иши эмас, балки боғча, мактаб ва оиладан бошланадиган тарбия ва миллий генофондни асраш масаласидир.

Ҳозир дунёда коррупциянинг зарари қарийб 3 триллион долларни ташкил этади. Президентимиз 2023 йил декабрда коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, **"Бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайди. Энг ёмони, жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди".**

Transparency International (2026 йил 11 февраль) маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг Corruption Perception Index (CPI) кўрсаткичи 2025 йил якуни бўйича 124-ўринга чиқди (2016 йилда 158-ўринда бўлган). Бу мамлакатимизда коррупцияга қарши муросасиз муҳит яратилаётганидан далолат.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида 2030 йилга бориб, Коррупцияни идрок этиш индексида мамлакатимиз позициясини камида 20 поғона яхшилаш мақсадли вазифаси белгиланган. Ушбу кўрсаткичга эришиш учун Ўзбекистоннинг ўрнини ҳар йили ортиб бориш тамойили асосида 4 поғонадан кўтариб бориш мақсад қилинган.



## Коррупция – тараққиёт кушандаси



## Зарурат ва тафсилот

Кўрилаётган тизимли чораларга қарамай, айрим соҳаларда коррупция ҳолати сақланиб қолаётгани унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, коррупцияга оид жиноятлар содир этганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, ёшларни коррупцияга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш заруратини юзага келтираётган эди.

Шу маънода, 2026 йил 22 июнда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Зеро, ҳужжатда давлат ва жамият хавфсизлигига тўғридан тўғри таҳдид солаётган уюшган жиноятчилик, наркожиноятчилик, киберjиноятчилик, яширин иқтисодиёт билан чирмашиб кетган коррупцияга қарши таъсирчан чоралар белгиланди.

Мазкур қонун қабул қилинишининг зарурати яна шундаки, миллий ҳуқуқ тизимидаги бўшлиқларни тўлдириш ҳамда халқаро стандартларни жорий этиш талаби ва эҳтиёжи мавжуд эди.

Жумладан, биринчидан, жиноят қонунчилигида "коррупцияга оид жиноятлар"нинг аниқ ҳуқуқий таърифи ва муайян рўйхати мавжуд эмасди.

Иккинчидан, жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш. Коррупция содир этган шахслар учун жазо чораларининг қатъийлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш зарурати юзага келган эди.

Учинчидан, халқаро стандартларни имплементация қилиш масаласи. Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятлари ва илғор хорижий тажрибани миллий қонунчиликка мослаштириш лозим эди.

Тўртинчидан, комплаенс (ички) назорат ва тизимни кучайтириш: давлат харидларида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ҳамда коррупция ҳақида хабар берган шахслар хавфсизлигини кафолатлаш эҳтиёжи вужудга келганди.

Аввало, мазкур қонун коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилишини қайд этиш зарур.

Ушбу ҳужжат билан 3 та кодекс ҳамда 6 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Жиноят кодексига илк бор "коррупцияга оид жиноятлар" тушунчаси киритилди ва унга 18 турдаги жиноят (жумладан, пора олиш, пора бериш ва ҳоказо) киритилиши белгиланди. Коррупция жиноятлари натижасида олинган даромадларни легаллаштириш (Жиноят кодексининг 243-моддаси) ҳам расман коррупциявий жиноят сифатида баҳоланди.

Коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларнинг ягона электрон реестри юритилиши белгиланди.

Шунингдек, коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш тизими кучайтирилди.

Ёшлар ўртасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

## Жазо чоралари кучайтирилди

Қонун билан коррупцияга оид жиноятлар учун жазо чоралари кескин кучайтирилди. Ҳеч қандай енгиллик бўлмайди. Энди коррупция жиноятлари учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш институти мутлақо қўлланмайди. Маҳкумлар тайинланган муддатни панжара ортида тўлиқ ўтайди.

Ўзлаштириш, растрата қилиш ёки фирибгарлик орқали коррупция содир этган ва етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби қўлланмайди.

Коррупцияга оид оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлар жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетгани муносабати билан жавобгарликдан озод этилмайди, яъни озодликдан маҳрум қилиш муддати узайтирилди. Фирибгарлик ва ўзлаштириш: мансаб ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб фирибгарлик содир этганлик (168-модда) ёки талон-тарож қилганлик учун энг юқори жазо 8 йилдан 10 йилгача, порахўрлик учун максимал жазо: жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда пора олиш ва бериш (210-212-моддалар) жиноятлари учун жазо чоралари 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш этиб белгиланган.

Жиноят кодексининг 8-бўлими "Коррупцияга оид жиноятлар" атамаси билан тўлдирилди ва унга 18 турдаги жиноий қилмишлар (иқтисодий ва мансабдорлик жиноятлари) аниқ киритилди.

Давлат харидлари тизимида бошланғич нархни асоссиз ошириш каби ҳолатлар учун ҳам жавобгарлик чоралари белгиланди. Давлат харидлари тизимида товар ёки хизматларнинг бошланғич нархини асоссиз ошириш — давлат маблағларини талон-тарож қилиш ва коррупцияга йўл очиш деб баҳоланади ҳамда қонунчиликка асосан жиддий жавобгарликка сабаб бўлади.

Яна бир янгилик, бугун давлат харидлари махсус порталида сунъий интеллект технологиялари асосида ишловчи электрон модуль фаолият юритмоқда. У товар ва хизматларнинг реал бозордаги ўртача нархини автоматик ҳисоблайди. Буюртмачи киритган бошланғич нархни бозор баҳоси билан солиштиради. Инсон омили иштирокини чеклаб, нархни асоссиз оширишга уринишларни тизимнинг ўзидаёқ тўсиб қўяди.

## Комплаенс-назорат тузилмалари

Бугун барча даражада коррупцияга қарши фаол курашилаётганига қарамай, жуда секин суръат билан камайиб бормоқда. Бироқ коррупцияга қарши кураш заифлашаётгани йўқ, аксинча, бунга тижорат тузилмалари (хусусий бизнес) ҳам тобора кўпроқ жалб этилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар амалиёти коррупцияга қарши курашишда комплаенс-назорат (compliance control) тизими таҳлили катта самарага эга эканини кўрсатади.

Янги қонун билан давлат идораларидаги комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг ваколатлари ва вазифалари кенгайтирилди. Жумладан, давлат органлари ва ташкилотлари:

биринчидан, тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички сиёсат юритилиши ҳамда ушбу соҳадаги фаолият мувофиқлаштирилишида бевосита иштирок этади;

> **Ҳозир дунёда коррупциянинг зарари қарийб 3 триллион долларни ташкил этади. Президентимиз 2023 йил декабрда коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, "Бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайди. Энг ёмони, жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди".**

иккинчидан, фаолиятида коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар ҳамда назорат тизими жорий этилишини таъминлайди;

учинчидан, тизимда қонунга риоя этиш, унга нисбатан ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш, коррупцияга муросасиз муносабат муҳитини яратиш ва бу борада аҳолининг ижобий фикрини шакллантириш чораларини кўради;

тўртинчидан, комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши курашиш вазифасини амалга оширувчи, бюджет маблағлари айланмасини назорат қилувчи ҳамда шахсий хавфсизлик бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

бешинчидан, фаолиятида шаффофликни таъминлаш, аффилланганлик ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олишга қаратилган коррупцияга қарши назорат тизимини амалга оширади;

олтинчидан, коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан белгиланган тартибда текширувлар ўтказилишини ҳамда қатъий жавобгарлик чоралари кўрилишини ташкил этади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда зарур бўлган ахборот ҳамда маълумотлар базаларидан фойдаланиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаб ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш, назорат тадбирларини мустақил ёки ишчи гуруҳ тузган ҳолда ташкил этиш каби қатор ҳуқуқларга эга бўлди.

Ташкилот биринчи раҳбарларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлари аломатлари аниқланганда ёки жиноий гуруҳ фаолиятига раҳнамолик қилаётган деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлганда, уларнинг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосари юқори турувчи ички назорат хизмати билан келишган ҳолда тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тўғридан тўғри тақдим этиш, шунингдек, кадрлар масаласи ва молиявий харажатлар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳуқуқини вақтинча тўхтатиш ёки тегишли раҳбарни ёхуд ходимни вазифасини бажаришдан вақтинча четлатиш борасида таклиф киритиш ваколатига эга бўлади.

## Тўрт кўз тамойили ва махсус реестр

Тўрт кўз тамойили (икки кишилик назорат) молиявий ва операцион хавфларни 60 фоиздан 80 фоизгача камайтира олади. Бу қоида муҳим қарорлар ва транзакцияларни камида икки мустақил шахс тасдиқлашини талаб қилади.

Хавфни камайтириш самарадорлигига қуйидаги ҳолларда эришилади.

Фирибгарликнинг олдини олиш: тил бириктириш эҳтимолини кескин камайтиради. Бир ходимнинг ёлғиз ўзи тизимдан маблағ ўғирлаши ёки маълумотларни ўзгартириши имконсиз бўлади.

Инсон хатоларини камайтириш: чарчоқ ёки диққатсизлик туфайли йўл қўйилган техник хатолар иккинчи назоратчи томонидан тез аниқланади.

Ички назоратни кучайтириш: ходимларда масъулият ҳиссини оширади. Ҳар бир қадам текширилишини билиш суиистеъмоллик фикридан қайтаради.

Мазкур қонун билан коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг электрон реестри юритилади. Ушбу тизим жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизликни кучайтириш, давлат хизматига қайта ишга кириш тизимини назорат қилиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Реестр Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) билан ҳамкорликда юритилади. ИИВ суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб 3 иш куни ичида шахс ҳақидаги маълумотларни реестрга киритади. Коррупционерлар ҳақидаги маълумотлар Жиноят кодексида белгиланган судланганлик муддати давомида реестрда сақланади.

Реестрга киритилган шахслар учун чекловлар белгиланди. Унга кўра, рўйхатга тушган фуқароларга нисбатан судланганлик муддати тугагунга қадар қуйидаги қатъий тақиқлар қўлланади:

— давлат хизматига қабул қилиниш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиш;

— сайланадиган ҳамда алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзод сифатида кўрсатилиш;

— давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ва идоралараро коллегиал органларга аъзо бўлиш;

— шахс ўзи таъсис этган ёки устав фондининг 50 фоиздан ортиғига эгалик қиладиган ширкатлар билан давлат харидларида ҳамда давлат-хусусий шериклик битимларида иштирок этиш;

— давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларда ҳамда давлат таълим муассасаларида (мактаб, ОТМ ва ҳоказо) раҳбарлик лавозимларида ишлаш.

## Дахлсизлик ва хавфсизлик кафолатлари

Ўзбекистонда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларига махсус дахлсизлик ва хавфсизлик кафолатлари берилишининг асосий сабаби уларнинг ўз ташкилотидаги юқори лавозимли мансабдор шахслар ва биринчи раҳбарларнинг босими ёки таъқибларидан қўрқмай, мустақил ва холис фаолият юритишини таъминлашдир.

Комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари бевосита ўзи ишлаётган тизимдаги қонунбузарликларни фош этиши сабабли уларни маъмурий ва жисмоний хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш зарур эди.

Нега айнан махсус кафолатлар зарур эди деган савол туғилади.

Биринчидан, ички таъсир ва босимни чеклаш, яъни назорат қилинаётган раҳбарлар томонидан комплаенс ходимларини ишдан бўшатиш ёки асоссиз интизомий жазога тортиш хавфини йўқотиш. Махсус кафолатлар қўрқувсиз фаолият ва тизимли шаффофликни ҳамда назоратчиларнинг раҳбар хатоларини очиқ айтишдан қўрқмаслигини таъминлайди. Ички суриштирув натижаларини биринчи раҳбар яшира олмаслиги ва уларни юқори идораларга тақдим этиш мажбуриятини англаб етишга олиб келади.

Иккинчидан, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш. Ташкилотнинг биринчи раҳбарида коррупция аломатлари аниқланган тақдирда ходимнинг ҳеч қандай тўсқинликсиз тўғридан тўғри ўзидан юқори турувчи органга чиқа олишини кафолатлаш.

Учинчидан, хизмат вазифасини тўлиқ бажариш. Ходимлар хавфсизликдан хавотир олмай, давлат идоралари объектларига эркин кириши ва барча зарур ҳужжатларни талаб қила олиши учун шароит яратиш.

Тўртинчидан, давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, ходимларни кўздан кечириш ва шахсий тинтув қилиш, шунингдек, хат-хабарларини, уларга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёхуд олиш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёзма рухсати билан, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Бешинчидан, давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимини, шу жумладан, у билан меҳнат шартномаси тугатилганидан ёки хизматдан бўшатилганидан кейин икки йил ичида собиқ ходимини гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилишга, уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга ва ушлаб туришга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори хабардор этилган ҳолда, белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Олтинчидан, давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларига нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ташкилот биринчи раҳбарларига нисбатан таъсирчан ваколатга эга бўлди, тизимда ҳақиқий мустақиллик ва тийиб туриш механизми йўлга қўйилади. Бу ўз навбатида, юқори бўғин коррупциясига қарши курашиш самарадорлигини ошириш билан бирга халқаро стандартлар талабларини тўлиқ бажариш ҳамда халқаро ташкилотлар ва инвесторлар олдида давлат идорасининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

**Кемал Явуз Атаманнинг “Мен таниган Ўзбекистон!” китоби бир қардош халқ вакилининг Ўзбекистонга, унинг 35 йиллик тўйига атаган энг гўзал тўёнаси бўлибди. Бу китоб бизни ўз Ватанимизни Кемал қардошнинг шайдо кўзлари билан қайта кўришга, унинг қадрига янада теранроқ етишга ундамоқда.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2026 йил 8 август, 160-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_off yuz.uz_news

Ифтихор

**Китоблар бор — уларни ўқийсиз. Айрим китоблар эса инсонни ўқийди, унинг юрак торларини чертади, титратади, кўзига ифтихор ёшларини келтиради. Таниқли турк адиби, жамоат арбоби ва олим, доктор Кемал Явуз Атаман ана шундай китоб ёзди. Унинг “Мен таниган Ўзбекистон!” асари мустақиллигимизнинг 35 йиллик тўйи арафасида биз учун самимий ва мунаввар китоблар сирасига кирди.**




# “МЕН ТАНИГАН ЎЗБЕКИСТОН!”

Бу китоб қардош, тилдош, дилдош турк зиёлисининг Ўзбекистонга бўлган чексиз ихлоси ва муҳаббати битигидир. Муаллиф 1991 йилдаги Мустақиллик кунидан то 2026 йилга қадар бўлган улкан шонли тарихий йўлни ўз кўзи билан кўриб, қалби билан ҳис қилган.

Китобда шонли тарихимиз, муқаддас динимиз ва ўлмас қадриятларимиз, буюк аждодларимиз табаррук меросига таъзим бор. Шу билан бирга, бугунги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли уйғониш ҳақидаги самимий, холис фикр, кечинмалар мужассам.

Муаллиф китобни бошқача номламоқчи ҳам бўлган. Аммо бу муборак ўлкани чуқурроқ ўрганган сайин қалбида янада самимийроқ бир ном туғилади: **“Мен таниган Ўзбекистон!”**. Мана шу биргина эътироф китобнинг бутун моҳиятини, муаллифнинг қалбини ва Ватанимизга бўлган чексиз ҳурматини яққол намоён этади.

Кемал оғага раҳмат. У бизга одатий туюладиган, ҳар куни кўриб, кўзларимиз ўрганиб, кўпинча эътибор бермай ўтиб кетадиган ўзгаришларни чиройли баён қилибди. Миннатдор халқимизнинг чеҳрасидаги табассумни, ёшларимиз кўзларидаги шуълани, кўчалардаги эркин ва шукроналиги ҳаётни бир теран кўриб, кўрсатиб берибди.

**Китобнинг маънавий юраги — юртимиз равнақида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тарихий ролига бағишланган саҳифаларда. Муаллиф бу мавзуни буюк эҳтиром ва самимият билан ёзибди.**

У йиллар давомида Президентимизнинг нутқларини, халқ билан учрашувларини, кенг қамровли ислоҳотларини изчил кузатиб келган. Нафақат кузатиб, балки Президентимиз фикрларидан иқтибос олиб, тўплаган. Таҳлил қилиб, холис бир хулосага келган: янги Ўзбекистонда кечаётган мислсиз юксалишнинг ортида юксак сиёсий ирода, теран давлатчилик ҳисси, узоқни кўра билиш салоҳияти ва чексиз самимият борлигини англаган. Муаллиф Президентимизни буюк эҳтиром билан “Раҳбар” деб атайди. Шавкат Мирзиёев сиймосида ўз халқи ҳаётини, қувонч ва ташвишларини “энг майда деталларигача биладиган”, миллатнинг дарду аламларини ва орзу-умидларини чуқур ҳис қиладиган етакчи тимсолини кўради.

“Ўзбекистон ўзининг тарихий аҳамияти, қулай географик жойлашуви, глобал майдонга дадил очилаётгани, оқилона ташқи сиёсати ва билимли ёш кадрлари билан бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Мамлакатнинг Хитойдан Ҳиндистонга, Кореядан Германияга, Америкадан Туркияга, Россиядан Озарбайжонга, Ўмондан Мисрга, Швециядан Польшага, Япониядан Англияга, Жазоирдан Руандага, Испаниядан Чехияга, Тожикистондан Қозоғистонга, Туркманистондан Қирғизистонга, Покистондан Саудия Арабистонигача бўлган жуда кенг ҳудудда кенг қамровли ва серқирра алоқаларни йўлга қўйганига гувоҳ бўлмоқдамиз”, дейди у. Бу бир хорижлик олим томонидан Ўзбекистоннинг тарихий бурилиш палласида юз бераётган цивилизациявий уйғонишига берган холис баҳодир.

## Китобдан беш иқтибос

Китобда шундай сатрлар борки, уларни ўқиган ҳар бир ўзбекистонликнинг юраги бир ҳаприқиб қўяди. Шулардан айримларига тўхталмасак бўлмайди.



## Биринчи иқтибос — 2022 йил ҳайрати

***“Ўзбекистон бор-йўғи тўрт йил ичида камида тўрт баробар ривожланибди ва мислсиз даражада илгарилаб кетибди!”.*** *(Муаллифнинг 2022 йилда Ўзбекистонга келганидаги ҳайрат сўзлари).*

Камида тўрт баробар ривожланиш. Бу китобдаги оддий статистика эмас. Бу ёзувчидаги ҳайратнинг миқёси, ҳайбати. Тасаввур қилинг: бир одам тўрт йил аввал кўрган мамлакатига қайтиб келиб, уни танимай қолади. Муаллифнинг қаламидан унган бу жумлада ҳайрат, ғурур, ишонч бор. У Ўзбекистонни “парвозга шайланиб, барча қудрат қанотларини кенг ёзган” бургутга ўхшатади. Ушбу ташбеҳда бутун бир миллатнинг тикланиш достони мужассам.

## Иккинчи иқтибос — халқ ишончининг қайта туғилиши

***“Халқнинг ўзига бўлган ишончини кўрдим!”*** *(“Янги Ўзбекистонда энг аввало нимани кўрдингиз?” саволига муаллифнинг жавоби).*

Бу китобнинг энг залворли, теран ва таъсирли жойларидан бири. Муаллифдан “нимани кўрдингиз?” деб сўраганларида, у бир зум ҳам иккиланмай айтади: **“Ишончни кўрдим!”.**

Ҳар қандай моддий тараққиётдан-да улуғроқ бўлган бу маънавий уйғониш — халқнинг ўз тарихига, ўз шахсиятига, ўз давлати ва Президентига бўлган ишончи — янги Ўзбекистоннинг чинакам пойдеворидир. “Одамлар кўчаларда дадил, хотиржам, бошини баланд кўтариб юра бошлади; ёшларнинг кўзларида умид чақнади. Бу бир миллатнинг қаддини ростлаши эди”, дейди муаллиф.

## Учинчи иқтибос — халқпарварлик эътирофи

***“Давлат ташкилотлари халққа хизмат қилиши керак, халқ давлат ташкилотларига эмас”*** *(Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз орасида машҳур ҳикмати).*

Бу бир жумлада бутун бир давлат бошқаруви фалсафаси, инсон қадрини улуғлашга қаратилган янги давр мафкурасининг моҳияти жамланган. Бугун мамлакатимизда давлат халқ хизматида! Бу шунчаки шиор эмас, бу — амалда ҳаётга татбиқ этилаётган улуғ инсонпарварлик тамойили. Муаллиф айнан шу — “инсон омилини марказга қўювчи концептуал ёндашув”да — Ўзбекистон Етакчисининг бошқарув санъатидаги нуктадонликни кўради.

## Тўртинчи иқтибос — инсон қадри тантанаси

***“Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, хусусан, уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ва мазмунли ҳаёт кечиришлари учун зарур шароитлар яратишга қаратилган ишларимиз изчил давом эттирилмоқда”*** *(Президент Шавкат Мирзиёевнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан халқимизга йўллаган табригидан).*

Ёзувчининг бу сатрларга берган шарҳида бир давлат раҳбарининг ота-боболарга бўлган эҳтироми, кекса авлодга бўлган меҳри ва инсон қадрига бўлган садоқати нурланиб туради. “Инсон қадри” — иккигина сўз янги Ўзбекистоннинг бош мақсадига, барча ислоҳотларининг мезонига айланди. Президент фахрийларни, нуроний отахонларни, меҳнат қаҳрамонларини унутмаслик, уларни эъзозлаш орқали бутун бир миллатга ибрат дарсини беради. Бу бежиз эмас, ким ўз ўтмишини қадрласа, ўша келажакка муносиб бўлади. Муаллиф бу қадршуносликни Ўзбекистоннинг бошқа кўплаб давлатлардан ажратиб турувчи фазилати деб алқайди.

## Бешинчи иқтибос — дуо

***“Қилаётган хайрли ишларимизда Аллоҳ ўзи мададкор бўлсин”*** *(Президент Шавкат Мирзиёевнинг теран самимият ва юксак эътиқод билан айтган сўзлари).*

Бу бутун бир давлат стратегиясининг маънавий пойдеворини очиб берувчи муборак дуо, самимий илтижо! Муаллиф бу сўзларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўз миссиясини халққа, Ватанга ва бутун инсониятга бағишланган фидокорона хизмат бурчи сифатида англашини кўради. Бу жумлада тавозе бор, Яратганга шукроналик бор. Ана шу маънавий арқон — эзгу ниятни илоҳий баракот билан боғлаш янги Ўзбекистон ислоҳотларига бетакрор руҳ ва барака бахш этмоқда. Тошкентда қад ростлаган муҳташам Ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда қайта бунёд этилган Имом Бухорий мажмуаси мана шу эътиқод ва қадршуносликнинг тошга битилган абадий тимсолларидир. Муаллиф Президентимиз ҳақида **“БМТ минбаридан туриб Имом Бухорий номини бутун дунёга танитган илк давлат раҳбари бўлди”,** дейди.

## Хулоса ўрнида

Кемал Явуз Атаманнинг “Мен таниган Ўзбекистон!” китоби бир қардош халқ вакилининг Ўзбекистонга, унинг 35 йиллик тўйига атаган энг гўзал тўёнаси бўлибди. Бу китоб бизни ўз Ватанимизни Кемал қардошнинг шайдо кўзлари билан қайта кўришга, унинг қадрига янада теранроқ етишга ундамоқда.

Азиз юртдошлар! Сиз яна бир бор Ватанимизнинг бугунги юксалишидан фахрланиб, эртанги кунига ишончингизга куч олишни истасангиз, бу китобни албатта ўқинг. Севикли Ватанимизга Кемал Явуз Атаманнинг кўзлари билан бир қаранг, китобнинг ҳар саҳифасидан бир ҳақиқат таралиб туради: янги Ўзбекистон — тарихий хотиранинг тикланиши, миллатнинг қайта уйғониши ва Учинчи Ренессанс сари шахдам одимлаётган мамлакат.

Азиз юртимизга кўз тегмасин.

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**
**Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор**

Замондош






**Қадим Карманаининг Жалойир қишлоғи жуда кўп илму донишлар, шоиру фозилларга бешик бўлган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев ана шу қишлоқ фарзанди. Зарафшон дарёсининг тошқин пўртаналари, меҳнаткаш, бағрикенг жалойирликларга хос тантилик унинг характерига кўчган. Қишлоқ мактабида ўқиб, мамлакат бошкенти бўлган Тошкентда туриб ўзбек журналистикасига салмоқли улуш қўшаётган забардаст публицист, моҳир ёзувчининг ижоди шу миллат тақдири, унинг ўтмиши ва истиқболи, юртдошлар орзу-армонларининг ифодаси бўлиб майдонга чиқди.**

# Сўз – мўътабар, СЎЗ – УЛУҒ, СЎЗ – ХАЛОСКОР

Шу ўринда Ашурали Жўраев ижодий фаолиятининг икки қирраси ҳақида тўхталиб ўтсак. Биринчи қирраси — унинг журналистик фаолияти. XX аср бошида жадид боболаримиз миллат онгини уйғотиш, ўзликни англашга қаратилган даъватларини матбуот орқали ёйишга ҳаракат қилган. Жадидлар матбуотни бош ислоҳотчи, умумдарсхона, миллат тили, миллат ойинаси деб атаган эди. Шу тариқа миллий матбуот майдонга келган.



Ашурали Жўраев — моҳир публицист. Унинг матбуотда эълон қилинган мақолалари, китобларида даврнинг муҳим масалалари ўз ифодасини топган ва ўқувчилар эътиборини қозонган. Адиб 1983-1996 йилларда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бўлим мудири лавозимида ишлаган. Ўша даврдаги экологик фожиалар ҳақидаги кўплаб мақолалари эълон қилинган.

Устоз масъул лавозимларда хизмат қилди, “Муштум” журнали ва “Афанди” газетаси, “Гулхан” журналида бош муҳаррир вазифаларида ишлади. Ашурали Жўраев қаерда ишламасин, публицистик чиқишлари билан ҳамиша ўқувчилар диққатини ўзига жалб қила олган.

Қаламкаш ижодий фаолиятининг яна бир қирраси — бадиий ижод. Унинг “Дастлабки тўқнашув” номли илк ҳикояси 1976 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовнинг оқ йўли билан “Гулистон” журналида босилган. Мустақилликдан кейинги йилларда ёзувчи қаламига мансуб “Ўқ узган ким?”, “Сенга кўнгил берсам”, “Дил гавҳари”, “Танимадинг-а?”, “Майсалар уйғонган тонг”, “Саҳифага сиғмаган сатрлар”, “Эсар Жайҳун шамоллари” каби китоблар нашр қилинди.

Ёзувчининг “Виждон қўнғироғи” китоби халқимизнинг севимли ёзувчиси Неъмат Аминовнинг ҳаёти ва ижодига оид ҳаётий кузатувлардан иборат. Ашурали Жўраев ёзувчини ўзига устоз деб билади, унинг истеъдоди, маҳоратини ўқувчига тушунарли, содда тилда ифодалаб беради. Адабиётшунос Н.Жумахўжа шу ҳақда бундай ёзади:

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев Неъмат Аминов адабий хазинасини муносиб қадрлаган ижодкорлардан. “Виждон қўнғироғи” китобида муаллиф адиб ҳаёти ва ижодини илмий ёритишни мақсад қилмаган. Ундаги маълумотлар ялписига хотираларга асосланган. Ашурали Жўраев мозий мулкига айланган табассум заргарининг ҳаёти ва ижодини тарихий-адабий жараён силсиласида тасвирлаган. Неъмат аканинг ким экани, адиб сифатида қандай мерос ва услубга эгалиги, шахсий фазилатларию ижодий салоҳияти тўғрисида замондошлари озми-кўпми тасаввурга эга эди. Лекин XXI асрда туғилиб, вояга етган авлод вакиллари уни деярли билмайди. Ашурали Жўраевнинг китоби ана шу кемтикликни тўлдирди”.

Ижодкорнинг “Юрак бўронлари” китоби халқимизнинг севимли санъаткори, ўзбек эстрадаси асосчиси Ботир Зокировнинг мураккаб ҳаёт йўлидан ҳикоя қилади. Бу улуғ санъаткор ҳамиша ҳалол, имонли, ҳақиқатгўй бўлган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам ўз эътиқодига, санъатига содиқ қолган. Шундай экан, унинг ҳаёт ва ижод йўли бизга ибратлидир. Китобни ўқиркансиз, санъаткор истеъдоди, ютуқлари, орзу-ўйлари, армонлари, изтироби, энг муҳими, матонати бирлашиб, яхлит шахс қиёфасини аниқ тасаввур қилишингизга йўл очади.

Ботир Зокировга бағишланган бу китоб 1989 йили нашр этилган. 2016 йилда қайта чоп қилинди. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов рисола ҳақида бундай ёзади: “Ёзувчи укамиз Ашурали Жўраев узоқ йиллардан буён машҳур санъаткор Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодини катта қизиқиш билан ўрганиб келади. Унинг Ботир Зокиров ҳақидаги “Юрак бўронлари” қиссаси 1989 йилда эълон қилинганди. Ёзувчи изланишларини давом эттириб, бу ўлмас мавзуни роман-эссега айлантирди”.

Адибнинг кўпгина хотира-эсселари халқимизнинг асл фарзандлари: санъаткорлар, шоиру ёзувчилар, замонамиз қаҳрамонларининг ҳаёт йўли ҳақида. “Эсар Жайҳун шамоллари” эссеси машҳур санъаткор Отажон Худойшукуровнинг умр йўли, ижодий фаолиятига бағишланган.

Ёзувчининг “Ғусса”, “Дўпписи йўқ дунё”, “Кетмон юзидаги ой”, “Кичик ватан”, “Қармоқ”, “Сирли сирға”, “Ширин пахта”, “Шошаётган одам”, “Юрак алдамайди” сингари ҳикояларида миллатдошларимизнинг қалб манзараси, кўнгил ройишлари, муаммо ва ўйлари бадиий тасвирланган.

“Дўпписи йўқ дунё” тўпламида ёзувчи кичик ҳаётий ҳодисаларни теран кузатади. “Нон ва дори” ҳикоясида бундай фалсафий мушоҳада берилади: “У ҳар куни ишга боради ва ҳориб-толиб қайтади. Аввал дўконга кириб, узоқ саралаб нон харид қилади. Сўнг кўчанинг нариги томонидаги дорихонага кириб, талашиб-тортишиб, дори сотиб олади. Аввал маза қилиб нон ейди, сўнг ҳузур қилиб дори ичади”.

Ижодкорнинг ўзбек адабиёти ва журналистикаси олдидаги хизматлари катта. Иқтидорли адиб бугун қутлуғ 70 ёшини қарши олмоқда. Ушбу санага туҳфа сифатида унинг шахсий асарларидан иборат кутубхонаси яна иккита нашр билан бойиди. Ўтган ой охирида Ашурали Жўраевнинг “Олтин овозлар” китоби чоп этилгани ҳақида эшитган эдик. Тўпламда устознинг узоқ йиллик ижодидан саралаб олинган, асосан ўзбек миллий қўшиқчилик санъати ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳамон самарали ижод қилиб келаётган машҳур санъаткорларнинг сермазмун ҳаёти, шарафли ва машаққатли ижод йўли, эл севган қўшиқларнинг яратилиш тарихи ҳақидаги мақолалари жамланган.

Куни кеча яна бир хушхабар тарқалди: “Батыр Закиров: узбекский соловей” китоби рус тилида салмоқли ададда чоп этилди ва илк нусхалари муаллиф қўлига етиб келди. Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги, 2021 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари эълон қилинди. Ўша йили Тошкент шаҳрининг қоқ марказида, сўлим хиёбонда Ботир Зокиров ҳайкалининг тантанали очилишида Президентимиз иштирок этгани ва нутқ сўзлагани миллат етакчисининг маданият ҳамда санъатга юксак эътиборининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ушбу китоб рус тилига таржима қилиниб, Ботир Зокировнинг юртимиз ташқарисидаги миллионлаб ихлосмандларига тортиқ этилиши замирида ҳам ана шу эътибор мужассам.

XX аср ўзбек публицистикаси ва насри тараққиётида Ашурали Жўраевнинг алоҳида ўрни борлигини ҳақли равишда эътироф этмоқ жоиз. Унинг бадиий публицистикаси ва эсселари теран нигоҳ ила тасвирлангани, фалсафий мушоҳада кенглиги билан ажралиб туради. Ҳикояларида ёзувчи қаҳрамонларнинг оддий ўй-хаёллари орқали замондошларининг турфа характерларини тасвирлайди. У доим сўзга содиқ, сўз олдида ўзини масъул билади ва бундай ёзади: “Сўзни ҳеч қачон увол қилманг. Сўзнинг гуноҳига ҳеч қачон қолманг. Сўз бир куни, албатта, ўч олади. Сўз — мўътабар, сўз — улуғ, сўз — халоскор!”.

**Муҳиддин КАЛОНОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**



**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-846.
29345 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Аслиддин Абдураззоқов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 22:50 Топширилди — 00:30